201__
A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

O`zbekistonda sog`liqni saqlash
Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 30 март • № 11-12 (1188-1189)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг руҳий соғлиғини текширувдан ўтказиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, парваришлаш ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклаш тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ушбу йўналишда зарур ҳуқуқий ва моддий-техника базаси яратилди, малакали врач-психиатрлар билан таъминланган ҳамда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган психиатрия шифохоналари ва психоневрология диспансерлари (кейинги ўринларда – психиатрия муассасалари) қурилди, аҳолига сифатли ва ўз вақтида психиатрия ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш бўйича чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги ишлар ҳолатини комплекс ўрганиш ақлий ривожланишдаги бузилишнинг сабаблари ва шарт-шароитларини эрта аниқлашга, тиббий хизматларнинг сифатига салбий таъсир қилувчи қатор тизимли камчилик ва муаммолар мавжудлигини аниқлади.

Хусусан, психиатрия муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этиш, шахс руҳий соғлиғининг ҳисобини юритиш, унинг текширувдан ўтказилишини ташкил этиш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини ўз вақтида кўриш мақсадида психиатрия хизматини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинади.

Психиатрия муассасаларида врач-психиатрларнинг кескин етишмаслиги кузатилмоқда, бу эса беморларга барча зарур хизматлар турларини кўрсатиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш, мазкур соҳадаги хусусий тиббиётни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида ривожлантиришга имкон бермаяпти.

Психиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, уларни замонавий диагностика ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, беморларни парваришлаш ва даволаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинганлигига қарамай, уларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланмаган.

Руҳий ҳолатлар бузилишининг олдини олиш ва даволаш бўйича ишни янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, хусусий тиббиётни ривожлантириш, малакали врач-психиатрлар тайёрлаш мақсадида:

1. Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

даволаш, профилактика ишлари ва руҳий ҳолатнинг бузилишини эрта аниқлашни ташкил этишнинг вертикал яхлит тизимини шакллантиришни таъминлаш орқали психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини самарали

(Давоми 2-бетда).

Тажриба, маҳорат ва амалиёт

«...АКСИНЧА, ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИБ ДАВОЛАНИШАДИ»,

дейди Россия онкологлар Ассоциацияси раиси Михаил Давидов.

Маълумки, барча соҳада "Устоз ва шогирд" тамойили ёш мутахассисларнинг амалий тажриба ва касб сирларини қунт билан ўзлаштиришда, шунингдек, соҳа ходимларининг ўзаро фикр алмашишига бевосита замин яратади. Шу жумладан, мазкур амалиётнинг соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам қўлланилиши истиқболда етук кадрларни тайёрлаш баро-

(Давоми 3-бетда).

Ҳамкорлик ва тараққиёт

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИМКОНИЯТИ ИСТИҚБОЛ МУВАФФАҚИЯТИ

Тиббиёт ва инсон саломатлиги. Маълумки, ушбу икки тушунча узвий боғлиқ бўлиб, бу борада кўзланган мақсадга эришиш доимий изланиш ва изчил ислоҳотларни талаб қилади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг барча йўналишларида олиб борилаётган кенг кўламли фаолиятлар, амалиётга татбиқ қилинаётган замонавий инновацион технологиялар эса айни шу мақсадлар рўёбига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан соҳага қаратилаётган эътибор натижасида бугунги кунда мамлакатимизда тиббий диагностик хизматлар янада такомиллашмоқда. Хусусан, инсон саломатлигининг назорати, яъни скрининг хизмати, ҳомила, чақалоқлар, болаларнинг ривожланиш даври, аёллардаги репродуктив тизими касалликлари ҳамда онкологик хасталикларни эрта аниқлаш бўйича ўзига хос концепция ва дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

бошқариш механизмини жорий этиш;

мамлакатнинг ҳар бир аҳоли пунктида аҳолининг барча тоифалари, айниқса, болалар ва ўсмирлар учун сифатли ва қулай психиатрия ёрдамини таъминлаш, шунингдек, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш учун дори воситаларига сарфланадиган харажатларнинг ягона мажбурий нормативларини белгилаш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, психиатрия муассасаларининг врач-психиатрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларнинг малакасини мунтазам равишда, шу жумладан, хорижнинг етакчи клиникалари ва тиббиёт ташкилотларида ошириб бориш;

Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати муассасаларининг айрим функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига ўтказиш, аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш учун инвестициялар жалб қилиш;

ўз жонига қасд қилишга уринган шахсларга туну кун шошилинч ёрдам кўрсатилишини таъминлаш, шу жумладан, ўз жонига қасд қилишнинг асл сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, ўз вақтида ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш, ўз жонига қасд қилишнинг ҳар бир ҳолати ҳақида психиатрия муассасаларини зудлик билан хабардор қилиш;

психиатрия соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни фаоллаштириш, уларнинг натижалари ва ютуқларини руҳий ҳолати бузилишининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирларни такомиллаштиришга хизмат қиладиган амалий фаолиятига кенг жорий этиш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимининг самарали фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, психиатрия муассасаларининг, шунингдек, улар бўлинмаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни тиббиётнинг замонавий асбоб-ускуналари ва техникалари билан жиҳозлаш.

2. 2018 йил 1 майдан бошлаб хусусий тиббиёт ташкилотларига руҳий ҳолат бузилишини ва ҳулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича аҳолига айрим хизматлар кўрсатишга рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда руҳий ҳолати бузилишини ва ҳулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқласин.

3. 2018 йил 1 октябрдан бошлаб диспансер кузатуви остидаги шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг психиатрия муассасаларида қанча муддат бўлганликлари, берилган дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва тақдим қилинган имтиёзлардан иборат бўлган, шунингдек, бу соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида тезкор ахборот олиш имконини берувчи ушбу шахсларнинг ягона электрон реестри юритилиши амалиётга жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда диспансер кузатуви остида бўлган шахсларнинг ягона электрон реестрини яратиш ва ушбу бандда белгиланган муддатларда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишга туширишни таъминласин.

4. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ички ишлар органлари ўз жонига қасд қилинган ҳар бир ҳолат тўғрисида психиатрия хизмати муассасаларига зудлик билан хабар бериши белгилаб қўйилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 майга қадар бўлган муддатда психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, шунингдек, аҳоли ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш масалаларини ўргансин ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиб борсин.

5. Руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг, шу жумладан, ногиронларнинг меҳнат терапияси, уларни янги касбларга ўқитиш ва ишга жойлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги психиатрия муассасалари ҳудудида давлат-хусусий шериклик шартларида даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари тузилсин.

Даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари 2018 йил 1 июлдан 2023 йил 1 январгача ер солиғи, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва мулк солиғидан, шунингдек, ягона солиқ тўловидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу бандни амалга ошириш бўйича зарур ташкилий чоралар кўрсин.

6. Қуйидагилар:

Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга доир биринчи галдаги чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Психиатрия муассасаларини 2018 йилда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)га доир чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ;

2018-2020 йилларда республика психиатрия муассасаларининг биноларини қуриш ва реконструкция қилишга доир чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шадманов, вазирлик ва идоралар раҳбарлари кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар дастурларида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилансин.

Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағларни ажратишни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

чора-тадбирлар дастурлари бажарилишининг боришини хар ойда танқидий муҳокама қилиб борсин;

муҳокамалар якуни бўйича топширилган вазифаларнинг муддатлари бузилиши ва бажарилиши узилиб қолишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин;

икки ой муддатда 2018-2020 йилларда врач-психиатр тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва хорижнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт муассасаларида малакасини ошириш дастурини тасдиқласин;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб давлат гранти асосида "психиатрия" йўналиши бўйича магистрларни тайёрлаш юзасидан олий тиббиёт таълим муассасаларига, жумладан, Тошкент тиббиёт академиясига – 15 нафар, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институтига – 10 нафардан қабул квоталарини оширишни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси таркибида вазирликнинг умумий бошқарув ходимлари сони доирасида 3 бирлик миқдорда психиатрия ёрдами масалалари бўйича бўлим тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта муддатда янги тузилаётган бўлимни юқори малакали кадрлар, биринчи навбатда, тажрибали врач-психиатр ва невропатологлар билан тўлдирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Андижон давлат тиббиёт институтларида базавий тиббиёт маълумотига эга бўлган врачлар учун уларнинг ўртача ойлик иш ҳақини сақлаган ва хизмат сафари харажатларини қоплаган ҳолда, "психиатрия" ва "суицидология" йўналишларида ихтисослашув курсларини ташкил қилсин;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали, Андижон давлат тиббиёт институти ва Самарқанд давлат тиббиёт институтида "психиатрия" йўналиши бўйича клиник ординатурада ўқиш учун ўринлар сонини 10 нафаргача оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2863-сон қарори иловасининг 2-бандидаги рус тили матнидаги "психических заболеваний-"сўзлари "отдельных психических заболеваний" сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шадманов зиммасига юкланисин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 март

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ, ТИББИЙ БУЮМЛАР ВА ТИББИЙ ТЕХНИКАНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲАМДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАНЛИК ГУВОҲНОМАСИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни сақлаш идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида" 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон, "Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон ва "Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг "Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2014 йил 22 декабрдаги 352-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 12-сон, 126-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисобланисин.

Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Б. Акмалов ва Соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шадманов зиммасига юкланисин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. АРИПОВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 23 март

Ушбу қарорнинг тўлиқ матни ва Низоми расмий сайтимиз www.uzssgzt.uz да эълон қилинган

Тажриба, маҳорат ва амалиёт

«...АКСИНЧА, ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИБ ДАВОЛАНИШАДИ»,

дейди Россия онкологлар Ассоциацияси раиси Михаил Давидов.

барида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, жаҳоннинг машҳур олимлари иштирокидаги маҳорат дарслари ҳам тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда қўл келмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Хабарингиз бор, 2017 йилда Россия Федерацияси онкология илмий маркази ҳамда Ўзбекистон ва Россия онкологлари Ассоциациялари ўртасида меморандум имзоланган эди. Унинг доирасида қатор ҳамкорлик ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Ана шундай эзгу мақсадларга қаратилган фаолиятлардан бири жорий йилнинг 26-27 март кунлари бўлиб ўтди. МДҲ давлатларининг онкология ва рентгенорадиология марказлари ва институтлари директорлари Ассоциацияси президенти, Н.Блохин номидаги онкология илмий маркази бош директори, Россия онкологлар Ассоциацияси раиси, Россия Фанлар Академияси академиги Михаил Давидов Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалида ҳам ўрнатилган. Хусусан, саратонга чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, мутахассислар малакасини ошириш мақсадида чет элнинг етакчи клиникалари ва марказлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш белгиланган. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ижроси юзасидан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалида ҳам кўплаб фаолиятлар олиб борилмоқда.

лаштиришга доир кўплаб вазифалар қаторида ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, саратонга чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, мутахассислар малакасини ошириш мақсадида чет элнинг етакчи клиникалари ва марказлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш белгиланган. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ижроси юзасидан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалида ҳам кўплаб фаолиятлар олиб борилмоқда.

бурч ва энг муҳими, халқ ишончини зиммасига олиб ҳаракат қилишди. Натижа эса ижобий...

Операцияга кирган бемор яқинлари беихтиёр ўйланади. Кўнглида турли саволлар тинчлик бермайди. "Унинг аҳволи қандай экан, дарддан фориғ бўладими, асосийси, операция муваффақиятли ўтказиладими?" деб хавотирга тушади. Лекин маҳоратли, масъулиятли шифокорларни кўриб, уларга ишониб кўнгли таскин топади...

– Бемор 58 ёшли Бахтиёр ака нафақат тоғам, балки туғишган акамдек бўлган. Сабаби, улар бизга таълим-тарбия бериб, маслаҳатларини аямаган. Охирги бир

га ўз ташаккуримизни билдирамиз, – **дейди беморнинг жияни Рустам Шарипов.**

2018 йил 27 март. Михаил Давидов иштирокидаги навбатдаги операция академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур муассаса аҳолига сифатли ва тез тиббий хизмат кўрсатиш борасида мамлакатимизда етакчи клиникалардан ҳисобланиб, замонавий аппаратуралар, янги инновацион технологиялар билан жиҳозланган, малакали кадрлар билан таъминланган. Шифо масканида мураккаб, юқори технологик операциялар бажарилиб келинмоқда. Яна бир жарроҳлик амалиётини муваффақиятли амалга ошириб чиққан шифокорлар билан суҳбатда бўлдик.

Шухрат ХУДОЙБЕРГЕНОВ,
Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ўпка ва кўкс оралиғи хирургияси бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори:

– Бўлимда трахеянинг чандиқли торайиши, резекция, ўпка касалликлари, ўсмалар, паразитар касаллик, эхинококклар, ўпка ва бронхтрахеяда туғма нуқсони бор беморларда радикал операциялари амалга оширилади. Ушбу йўналишда йилига 300 дан зиёд жарроҳлик амалиёти ўтказилади. Авваллари, бу каби операцияларнинг 30 фоизи чет элда қилинар эди. Бугунги кунда ана шундай юқори технологик операциялар мамлакатимизда бажарилмоқда. Бугунги операцияда 43 ёшли бемор бир ой мобайнида нафаси қисиб, тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган. Текширишлардан ўтгач, қалқонсимон безнинг пастки қисмидан кўкс оралиғига ўтиб, қизилўнгач, нафас оладиган трупка – трахеяни сиқиб қолганини компьютер томографиясида аниқлашган. Шунда бемор эндокринологларга мурожаат

(Давоми 7-бетда).



Михаил ДАВИДОВ,
Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази директори, академик:

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган фаолиятларни мунтазам кузатиб бораман. Президентингиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан бугун мамлакатингиз ҳар жабҳада тез ривожланиб бормоқда. Хусусан, тиббиётингиздаги ўзгаришларни алоҳида таъкидламоқчиман. Яъни соғлиқни сақлаш тизимида самарали ислоҳотлар олиб борилиб, қатор давлат дастурлари амалга оширилиши натижасида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, жумладан, ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ҳамда гинекология илмий-амалий, перинатал ва скрининг марказлари, туғуруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари қатори онкология диспансерлари фаолияти ҳам тубдан такомиллаштирилаётгани диққатга сазовордир. Мамлакатингизда онкология йўналишида фаолият олиб борадиган масканлар кўркам бинолларда жойлашган, замонавий жиҳозлар, малакали мутахассислар билан таъминланганинг гувоҳи бўлиб турибман. Айтиш керакки, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази билан ҳамкорликда фаолият юритиш мақсадида меморандум имзоланган эдик. Шунга биноан, ҳудудларда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, бир неча маротаба операциялар бажардик. Бугунги кунда ҳам Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали ҳамда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида юқори технологик жарроҳлик амалиётини амалга оширдик. Яна бир эътиборга молик жиҳат, давлатингиз раҳбарининг ҳудудларда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматни кўрсатиш борасидаги фирклари жуда ўринлидир. Ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан бир неча йиллардан буён дўстона алоқаларни ўрнатганмиз. Бу жараёнда кузатдимки, бугун тиббиётингиз, хусусан, онкохирургия янада такомиллашиб, кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Ҳар сафар юртингизга келганимда, янги операциялар, инновацион технологиялар жорий қилингани, энг муҳими, бундан халқингиз мамнун бўлаётганининг гувоҳи бўламан. Умуман олганда, Ўзбекистон Ўрта Осиёда муҳим аҳамият касб этадиган мамлакат, шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга. Мен бемалол айта оламан, тез орада мамлакатингиз фуқаролари мураккаб операциялар учун хорижга чиқмайди, аксинча, қўшни мамлакатлардан Ўзбекистонга келиб даволанишади. Сабаби, Президентингиз соғлиқни сақлаш соҳасига алоҳида эътибор бериб, қўллаб-қувватламоқда. Бу ҳам жуда муҳим роль ўйнайди. Шифокорларингизда етарли малака, маҳорат ҳамда катта тажриба, билим мавжуд. Мазкур ўтказилган жарроҳлик амалиётларида бунга яна бир карра амин бўлдим.

Абдулла АБДУҲАКИМОВ,
Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

– Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 4 апрель куни қабул қилган 2017 йил 4 апрелдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан диспансерлар ягона вертикалга бирлаштирилиб, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоятлардаги филиалига айлантирилди. Шу муносабат билан Тошкент вилоят ўсма касалликлари диспансери ҳам ҳозирда марказнинг филиали, деб аталмоқда. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижросини таъминлашда муассасамизда бугунги кунда барча имкониятлар мавжуд. Яъни 60 нафарга яқин шифокор, улардан 8 нафари тиббиёт фанлари доктори, 11 нафари тиббиёт фанлари номзоди ва бир нечта олий тоифали шифокорлар томонидан аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда кўзда тутилганидек, дунёнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Муассасамиздаги шифокорлардан 2 нафари Томск ва Ростов онкология марказларида, 4 нафари эса Москвада Н. Блохин номли онкология марказида малака оширмоқда. Яна бир қувонарли ҳолат, бугун филиалимизга Россия онкологлар ассоциацияси раиси академик Михаил Давидов бошчилигида вилоятимизнинг қатор фуқаролаларига услубий тиббий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, бажарилиши қийин бўлган операциялар амалга оширилди. Биринчиси, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қувомул ҚФйдан келган 19 ёшли қизда кўкрак қафасида жойлашган 15 сантиметрлик ўсма мувафақиятли олиб ташланди. Иккинчиси, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи беморда ошқозон саратонининг III даражаси бўлиб, ошқозоннинг тўлиқ гастректомия, ошқозон саратонини олиб ташлаш бажарилди. Бунинг аҳамиятлиси шундаки, унда қўшимча жигар артерияси мавжуд экан. Уни сақлаб қолиб, яъни жигарга кетаётган қон айланиши буткуллигини сақлаган ҳолда ошқозондан кетаётган томирларнинг ҳаммасини ажратиб, техник жиҳатдан мураккаб операция бажарилди. Учинчи операция эса Тошкент вилояти Паркент туманидан келган 20 ёшли йигитда кўкрак қафасининг чап ярмини эгаллаган 20 сантимертдан зиёд саккизсимон катта ўсма олиб ташланди. Албатта, бундан яна бир амалий маҳорат дарсида устозим Михаил Давидовдан кўплаб сир-асрорларни ўргандик. Бу жараён ўзаро тажриба алмашишимизга, халқаро усулларни ўрганишга ҳам замин яратди, десам хато бўлмайди.

видов Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали ҳамда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида маҳаллий шифокорлар иштирокида жарроҳлик амалиётини ўтказиб, ўз тажрибаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

билан ўртоқлашди.

Таъкидлаш муҳимки, Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори аҳолига кўрсатиладиган ихтисослашган онкологик ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида муҳим бурилиш ясади. Унда онкологик хизмат кўрсатишни янада такомил-

2017 йил 26 март куни академик Михаил Давидов мазкур муассасага ташриф буюриб, 3 нафар беморда жарроҳлик амалиётини ўтказди. Айтиш жоизки, ушбу операциялар турли ёшдаги беморларда муваффақиятли амалга оширилди.

Мана, навбатдаги операция жараёни муваффақиятли тугатилиб, яна бир беморга соғлом ҳаёт бахш этилди. Қолаверса, неча-неча оилаларга қувонч ҳадя қилинди. Бунда соҳа ходимлари масъулият,

йилда ошқозони безовта қилаётгани, оғриқлар пайдо бўла бошлаганини айтди. Шундан кейин шифокорларга мурожаат қилдик. Улар ошқозон касалликларини айтиб, муолажаларни буюришди ва операцияга тайёрлашди. Шифокорларнинг малакаси, маҳорати, албатта, таҳсинга лойиқ. Улар, энг аввало, хушмуомалалиги билан даволашди. Айтиш керакки, барча тиббий хизматлар бепул бажарилмоқда. Бунинг учун Юртбошимиз ҳамда соҳа ходимлари-

Ҳамкорлик ва тараққиёт

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИМКОНИЯТИ ИСТИҚБОЛ МУВАФФАҚИЯТИ

жадал татбиқ этилмоқда. **Айтиш муҳимки, мазкур йўналишдаги тиббий хизматлар орасида замонавий ультратовуш текширувларининг усул ва услубиятлари** ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг 23 март куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ультратовуш диагностикаси кафедраси қошида **ультратовуш диагностикасида инновацион технологиялар ўқув маркази** ташкил этилди. Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Сайдмурод Сайдалиев кириш сўзи билан очиб, давлатимиз томонидан тизимга қаратилаётган эътибор натижасида тиббиёт муассасалари замонавий қиёфа акс этаётганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, уларда яратилаётган шарт-шароитлар жаҳон андозалари асосида тартибга солинаётгани ва инновацион технологиялар ёрдамида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилаётганлигини таъкидлади. Бунинг баробарида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германия халқаро ташкилотининг "Юқори технологик тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш" лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур ўқув марказининг вазифаларига тўхталиб, соҳанинг турли бўғинларида кўрсатилаётган ультратовуш диагностик хизматларини инновацион технологиялар орқали клиник амалиётда хавфсиз қўлланилишини янада такомиллаштириш, мутахассислар малакасини узлуксиз ошириб боришни ривожлантириш, интерактив тажриба алмашиш тизимини яратишдан иборат эканлигини маълум қилди. Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари тиббий ўқув-маслаҳат марказида жойлашган ўқув хонаси билан яқиндан таништирилди.

Михаиль ВЕНСКЕ, GIZ ваколатхонасининг маъмурият бошлиғи:

– Бугун юқори технологиялар асри, шу боис, ҳеч бир соҳа тараққиётини инновацион лойиҳаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу лойиҳа доирасидаги ҳамкорлик фаолиятларимиз эса 2013 йилдан бошлаб йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирга қадар 7 та ўқув маркази ташкил этилган. Уларда тиббиёт ҳамда техник ходимларнинг юқори технологик асбоб-ускуналардан фойдаланиш малакаси оширилмоқда. Мамлакатингизда тиббиётга бўлган эътибор сўнгги йилларда янада кучайди, айниқса, Президентингиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар самараси аҳоли саломатлигини мустаҳамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ташкилотимиз ушбу жараёнларда фаол иштирок этиб, ўз ҳиссасини қўшаётганидан мамнунмиз. Аслида ҳам халқаро муносабатлар келишувида назарда тутилган фаолиятлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши лозим, деб ўйлайман. Қолаверса, бугун малакали кадрларга бўлган талаб дунё бўйича ортиб бормоқда. Ҳар бир соҳа тараққиёти тажрибали мутахассисларга боғлиқдир. Шундай экан, дунё ҳамжамиятида бир мақсадга йўналтирилган бундай ишларда ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутади. Тажрибалар алмашинуви, малакали кадрлар таъминоти, бошқача айтганда, амалиётга юқори сифатли инновацион технологияларни татбиқ қилиш лойиҳамизнинг бош мақсадидир. Ўйлайманки, бу йўлдаги ҳамкорлигимиз узоқ муддат давом этади.

Марказнинг асосий вазифалари ва ундан кўзда тутилаётган натижа ҳамда келгуси фаолиятлар хусусида мутахассис фикри билан яқиндан танишдик.

– Айни пайтда скрининг хизмати йўналишида ультратовуш текширувларининг замонавий усуллари – допплерография, эластография, 3D, 4D каби технологиялар қўлланилмоқда, – **дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ультратовуш диагностикаси кафедраси мудири, профессор Акрам Фозилов.** – Ушбу технологиялар туфайли инсон ички организмидаги касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш имконияти туғилди. Бу тараққиёт маҳсулидир. Бир пайтлар мазкур турдаги замонавий аппаратлар мамлакатимиз тиббиётига энди кириб келганда, одамларда у ҳақда зарарли таъсири кўп деган, салбий таассурот мавжуд эди. Шу боис, бундай технологиялар билан ишлашда ўринсиз муаммоларга дуч келар эдик. Аммо, замон ривожланиши, техника тараққиёти бу борадаги қарашларни тамомила ўзгартириб юборди.

Янги авлод аппаратлари биргина шифокор кўмакчиси эмас, том маънода инсон саломатлигининг "нажоткори"га айланмоқда. Яъни, олдинлари аниқлаш мушкул, ташхис қўйилганда ҳам кечикиб, даво муолажалари ҳам фойда бермайдиган ҳолатлар кўп бўларди. Бугунги тиббиётнинг тарихи, ривожланиш жараёнини кузатган мутахассис сифатида бемалол айта оламанки, соғлиқни сақлаш соҳасидаги технология тараққиётига ижобий томондан ёндашиш лозим. Қолаверса, мамлакатимизда сўнгги йилларда инновацион ғоялар изчил қўллаб-қувватланмоқда. Натижада юртимиз шифохоналари энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Пировардида тиббий хизматлар сифати яхшиланмоқда. Шуни ҳам айтиш жоизки, Юртбошимиз ташаббуси билан кадрлар салоҳиятини ошириш, малакали мутахассислар етиштириш давр талабига айланди. Айниқса, шу мақсадда халқаро ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш масалаларига эътибор кучайди. Германия ҳамкорлиги ташкилоти лойиҳаси эса бу борада ташаббускор кўмакчимизга айланмоқда. Албатта, ушбу фаолиятлар тизим такомиллашувига хизмат қилиши баробарида, соҳа ходимларидан ҳам алоҳида масъулият талаб этади. Яъни, мазкур технологиялар билан ишлаш малакасини ўзлаштириш масъулияти. Бунинг учун бугунги семинар доирасида махсус ўқув курслари ва маҳорат дарсларини ташкил қилганмиз. Унга радиолог ва ультратовуш текшируви мутахассислари жалб қилинган.

Марказга ўрнатилган юқори технологик тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва улар имконияти борасида лойиҳа мутахассиси қуйидагиларни билдирди.

– Ультратовуш текширувлари бўйича инновацион ўқув марказининг ташкил этилиши натижасида ҳозирга қадар амалга ошириб келинаётган анъанавий ўқитиш усуллари тубдан такомиллаштирилади, – **дейди GIZ лойиҳаси миллий координатори Нигорахон Муротова.** – Айниқса, ўқув хонасининг замонавий компьютер жамланмалари ҳамда интерактив доска билан жиҳозланганлиги фаолиятлар самарадорлигини оширади. Сабаби, ушбу қурилмалар билан ишлаш тингловчиларга бир қатор қулайликлар туғдиради. Масалан, интерактив доска имкониятларини олайлик, унда ишлаш олдинги амалиётлардан бутунлай фарқ қилади. Яъни, экрандаги ҳолатларни исталган кўринишга мослаб, бу ишни кўрикка жалб қилинган беморга ортиқча ноқулайликлар туғдирмасдан амалга ошириш мумкин. Энг асосийси, бунда масофанинг аҳамияти йўқ. Шунингдек, мазкур лойиҳа давомида ҳудудлардан туриб масофавий таълим олиш тизимини йўлга қўймоқчимиз. Бу ўз навбатида ушбу соҳада талаб этиладиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини мустаҳкамлашда ортиқча оворагарчиликлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этади. Сабаби, юқори сифатли, инновацион технологиялар ёрдамида яратилган шароитлар ана шундай имконият яратади. Бундан ташқари, ўрганишлар хулосасидан сўнг умумий талаблардан келиб чиқиб, йўналишдаги барча адабиётлар ҳам ўзбек тилига таржима қилинди. Бу эса мутахассислар учун яна бир қулайликдир.

Икки кунга мўлжалланган тадбирнинг мантиқий давоми Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида халқаро мутахассислар иштирокида илмий-амалий семинар кўринишида давом эттирилди. Уни институт ректори Ҳабибулла Оқилов кириш сўзи билан очиб, семинардан кўзланган мақсад-вазифаларга тўхталиб ўтди. Тадбирда мамлакатимиз ҳамда жаҳон тиббиётининг етакчи мутахассислари соҳада долзарб ҳисобланган муаммоли мавзулар бўйича ўз маърузаларини тингловчилар эътиборига ҳавола қилди. Қизғин мунозараларга бой бўлган тадбир тингловчилари касалликларни эрта аниқлаш, олдини олиш ва уларни даволашнинг замонавий усуллари борасида ўзлари учун зарурий маълумотларга эга бўлишди.

Сўз сўнгида айтиш мумкинки, бугунги ҳаётимизни тараққиётсиз тасаввур қилиш мушкул. Ушбу тараққиётнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги кўриниши инсон саломатлигини таъминлаш баробарида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши бугунги фаолиятларимизнинг асосий мақсадидир. Шундай экан, қайси соҳада бўлишимиздан қатъий назар, юқори технологиялар ва инновацион лойиҳалар имкониятидан тўлиқ фойдаланиш энг муҳим вазифаларимиздан бирига айланмоғи лозим. Зеро, юқори технологиялар имконияти фаолиятимиз муваффақиятининг самарали ва ишончли кафолатидир.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

Конференция

СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3151-сонли ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2909-сонли Қарорлари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга доир муҳим масалалар белгиланган эди.

Уларнинг ижроси юзасидан Тошкент давлат стоматология институти томонидан кўплаб эзгу фаолиятлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, таълим жараёнларида янги технологиялар, инновацион ғоялар амалиётга татбиқ этилмоқда. Кўплаб хорижий мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилиб, ўзаро тажриба алмашилмоқда.

Юқорида қайд этилган фаолиятларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилнинг 23 март куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент давлат стоматология институти томонидан "Стоматологик касалликлар профилактикаси" мавзусига бағишланган халқаро конференция ўтказилди. Мазкур анжуман стоматология соҳасидаги барча хасталикларни эрта аниқлаб, тўғри ташхислаш, уларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унда АҚШ, Россия, Қозоғистондан келган малакали олимлар ўз тажрибаси билан ўртоқлашиб, маъруза қилишди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупалиев кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бераётгани, энг муҳими, бундай эзгу мақсадлар халқ манфаатларига қаратилганини алоҳида эътироф этди. Шу билан бирга, тиббиёт муассасаларини халққа янада яқинлаштириш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, касалликлар профилактикасига асосий эътиборни қаратиш бўйича жойларда кўплаб ишлар амалга оширилаётганини билдирди. Бунинг баробарида, Давлатимиз ҳамда Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тиббиётнинг барча йўналишлари, хусусан, бирламчи бўғин фаолиятини янада такомиллаштиришда дастуриламал бўлаётгани борасида сўз юритиб, қишлоқ врачлик пунктлари оптималлаштирилиб, қишлоқ оилавий поликлиникалар ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Қишлоқ врачлик пунктларида 5 та, оилавий поликлиникаларида эса 10 та тор соҳа мутахассиси, жумладан, шифокор-стоматологларнинг фаолияти йўлга қўйилгани, энг сўнгги русумдаги, замонавий стоматологик асбоб-ускуналар билан таъминлангани бугунги кунда касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш, профилактикасида ғоят муҳим аҳамият касб этаётганини айтиб ўтди. Шунингдек, мамлакатимиз тиббиёти, айниқса, стоматологияда хусусий сектор муҳим роль ўйнаши, уларга яратиб берилаётган шарт-шароит ҳамда имкониятлар юзасидан фикр билдириб, уларнинг эришаётган ютуқларини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон стоматологлар Ассоциацияси раиси Адҳам Ҳасанов сўзга чиқиб, ҳар қандай касалликларни даволагандан кўра олдини олиш 30 маротаба осон ва арзонроқ эканлигини, шу билан бирга, кариес (тиш чириши) ва унинг асоратлари аҳоли, айниқса, мактабгача ва мактаб ёшидагилар ўртасида 90-100 фоизгача тарқалгани, унинг асоратлари натижасида тиш йўқотилиши, ошқозон-ичак тизими касалликлари, юрак қон-томир хасталиклари, йирингли яллиғланиш касалликларига чалиниш ҳоллари учраётганлигига эътибор қаратди. Шу ўринда республикамиз ҳудудларида хизмат кўрсатаётган вилоят, шаҳар, туман миқёсидаги стоматология поликлиникаларида фаолият олиб бораётган шифокор стоматологлар бажараётган ишлар структураси таҳлил қилинганда, юқорида келтирилган далиллар тўғрилигини маълум қилди. Шунингдек, терапевт стоматологлар 85-90 фоиз ҳолатларда асосан кариес ва унинг асоратлари (пульпит, периодонтит), пародонт касалликлари (гингивит, пародонтит, пародонтоз)ни даволаши, жарроҳ стоматологлар 80-90 фоиз ҳолларда кариес ва пародонт касалликлари асоратлари (одонтоген периостит, остеомиелит, абсцесс, флегмона, тиш олиш кабилар) бартараф қилиши, ортопед стоматологлар ҳам асосан 95-98 фоиз ҳолларда кариес ва пародонт касалликлар асоратлари (иккиламчи адентиялар)ни даволаб, чайнов фаолияти тиклаётганини баён этди.

Жасур РИЗАЕВ,
Тошкент давлат стоматология институти ректори:

– Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида институтимиз томонидан самарали ишлар йўлга қўйилмоқда. Айтиш мумкинки, Тошкент давлат стоматология институтида жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ривожлантирилиб, ўқув жараёнига илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материаллари кенг жорий қилинмоқда. Шунингдек, ўқув-педагогик фаолиятга, малака ошириш курсларига хориждаги таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб этиш, магистрант, ёш ўқитувчи ҳамда илмий ходимларнинг хорижий таълим ва илмий муассасаларда амалиёт ўташини, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш ишлари йўлга қўйилган. Хусусан, Тошкент давлат стоматология институти хорижий давлатларнинг 22 та олий таълим муассасаси, қолаверса, стоматологик ускуналар, материаллар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи хорижий ва маҳаллий корхоналар орасида шартнома ҳамда меморандумлар имзолаган. Улар доирасида институтимизнинг 30 нафардан ортиқ талаба ва профессор-ўқитувчилари биргина жорий йил бошидан буён Малайзия, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон каби давлатларда малака ошириб қайтишди. Бунинг баробарида, кафедра ассистенти Доно Қаҳҳорова Нидерландиянинг АКТА университетига 4 йиллик докторантурада таълим олиш учун юборилди. Яна бир муҳим жиҳат, стоматологик касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш юзасидан режали, аниқ мақсадга йўналтирилган санитар оқартув оммавий профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, бу борада замонавий инновацион технологиядан фойдаланиш, уларнинг қамрови ва жадаллигини ошириш, стоматология йўналишида илмий изланишларни чуқурлаштириш, хорижий илмий марказлар билан яқин, самарали ҳамкорлик қилиш бўйича фикрлар алмашилиши кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, институтимиз жамоси томонидан Жанубий Кореянинг Ёнсе университети ходимлари ҳамкорлигида кариеснинг кам харажатли профилактик усуллари ишлаб чиқилди ва бу каби тажрибалар турли халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтиб, самарали эканлиги тасдиқланди. Шу боис, ушбу касалликларнинг олдини олиш мақсадида кариесга қарши турли даражадаги профилактика дастурларини амалиётга кенг жорий қилиш бўйича ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда мазкур усуллар пойтахтимизнинг 150 дан ортиқ мактабларида жорий қилинди. Бунинг натижасида, аҳоли саломатлиги сезиларли даражада яхшиланади, турмуш сифати ошади, асоратларни даволаш учун сарфланаётган бюджет маблағлари тежалади, десак муболаға бўлмайди.

Анжуман доирасида халқаро малакага эга бўлган мутахассислар томонидан стоматологик профилактика соҳасида қўлланилаётган замонавий инновацион технологиялар ҳамда уларни амалиётга татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

– Аввало, Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан мамнун эканлигимни билдирмоқчиман. Халқингиз меҳмондўстлиги ҳамда ҳар соҳада юқори поғоналарни забт этаётгани, айниқса, сўнгги йилларда жадал ривожланиб бораётганлигига гувоҳ бўлдим. Мамлакатингизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилганлигига, Президентингиз раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишларнинг амалдаги натижаси юқори самара бераётганлигини ҳам кўриб, бу албатта, етук мутахассис учун кенг имконият эканлигини эътироф этмоқчиман. Беш ой давомида Тошкент педиатрия тиббиёт институтида "Фулбрайт" дастури асосида маҳорат дарслари ўтказиб, тажриба алмашмоқдаман. Бугунги конференцияда болаларда рационал овқатланиш ва унинг стоматологик касалликлардаги ўрни борасида маҳаллий мутахассислар билан муҳокама олиб бориб, аниқ хулосага келдик. Маълумки, нотўғри овқатланиш турли касалликларни келтириб чиқарувчи омил ҳисобланади. Шу боис, соҳа ходимлари томонидан беморларга соғлом овқатланиш, витамин ва минералларга бой озиқаларни истеъмол қилишни буюриш мақсадга мувофиқ. Хусусан, тишлар парваришида муҳим роль ўйнайдиган таомлар, А, Б, Е, калций витаминларига бой маҳсулотларни тавсия этиш лозим. Бугунги анжуманда нафақат малакали шифокорлар, балки ёш мутахассислар фаол иштирок этишгани, ҳар бир маъруза, амалий машғулотларни диққат билан тинглаб, ўз соҳасига қизиқиш, эътибор ва масъулият билан ёндашишаётгани мени қувонтирди, – **дейди АҚШнинг Дрексел университети профессори Бет Леонберг.**

– Яратилаётган кенг имкониятлар боис, институтимиз жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юртлари билан имзолаган ҳамкорлик меморандуми асосида мутахассисларимиз чет элга бориб, нафақат малака ошириб қайтишди, балки соҳанинг долзарб муаммолари, стоматологик касаллик профилактикасига бағишланган маърузалари билан қатнашиб, тажриба алмашишди. Тан олиб айтиш керак, мамлакатимизда аҳолини стоматологик касалликлар, хусусан, кариес ва унинг асоратлари билан хасталаниш даражаси 90 фоиздан юқори. Ривожланган давлатларда эса бу рақамлар 30 фоиздан ошмайди. Демак, ҳали олдинда қилинадиган ишларимиз кўплиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бугунги ўтказилган конференцияда маҳаллий ҳамда Россия, АҚШ давлатларидан келган шифокорлар соҳанинг ана шу каби долзарб муаммоларни бартараф

(Давоми 6-бетда).

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Тошкент давлат стоматология институти хорижий давлатларнинг 22 та олий таълим муассасаси, қолаверса, стоматологик ускуналар, материаллар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи хорижий ва маҳаллий корхоналар орасида шартнома ҳамда меморандумлар имзолаган. Улар доирасида институтимизнинг 30 нафардан ортиқ талаба ва профессор-ўқитувчилари биргина жорий йил бошидан буён Малайзия, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон каби давлатларда малака ошириб қайтишди. Бунинг баробарида, кафедра ассистенти Доно Қаҳҳорова Нидерландиянинг АКТА университетига 4 йиллик докторантурада таълим олиш учун юборилди.

Конференция

СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

этишда ўз тажрибалари билан ўртоқлашгани истиқболдаги фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этишига ишончим комил. Таъкидламоқчиманки, кафедрамиз профессорлари бир неча йиллардан буён Жанубий Кореянинг Ёнсе ҳамда Сеул миллий университетлари, Германиянинг Виттен-Ҳердекке университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Яқинда АҚШдаги юқори импакт-факторга эга бўлган илмий журналда мақоламиз чоп қилинди. Ўйлайманки, бу ҳам Давлатимиз томонидан талабалар, олимларимизнинг илмий йўналишларда фаолият олиб боришида яратилаётган шароитларнинг самараси. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда ҳар қандай соҳани инновациясиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби, у соҳа ривожланишида асосий ўрин тутади. Институтимизда грант лойиҳаси сифатида Жанубий Корея ва Нидерландиядан юқори технологик, илмий ишлаб чиқарувчи ускуналари тақдим қилинди. Бунинг ёрдамида кариес ва унинг асоратларини эрта ташхисланиб, даво муолажалари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, амалиётимизда "ақлли тиббиёт" концепцияси йўлга қўйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, фаолиятларимизда янги инновацион ғояларни татбиқ этмоқдамиз, – **дейди Тошкент давлат стоматология институти Стоматологик касалликлар профилактикаси кафедраси доценти, тиббиёт фанлари доктори Бахтинур Худанов.**

– Стоматологик касалликлар профилактикаси ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири эканлигини инобатга олиб, ўтказилган мазкур халқаро анжуман муҳим аҳамиятга эга, десам хато бўлмайди. Россия, АҚШ, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардан келган етакчи олимларнинг маърузалари соҳанинг асосий мавзуларига қаратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу ўринда биз ҳам муассасамиз томонидан стоматология йўналишида олиб борилаётган фаолиятлар, болаларда тишларни эрта йўқотиш, окклюзион сатҳдаги ўзгаришларнинг болалар чакка паст жағи бўғини ривожланишига таъсири тўғрисида маруза қилиб, тажриба алмашдик. Бухоро шаҳридаги 7- ва 16-умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда стоматология клиникасига мурожаат қилган беморлар орасидан тишларнинг эрта йўқотишлари ва унинг оқибатларини ўрганиб, илмий ишлар олиб боряпмиз. Текширувларимиз асосида айтиш мумкинки, касалликнинг пайдо бўлиш сабаблари, отаоналарнинг тишлар парвариши ҳақида умумий тушунчага эга эмаслиги, айниқса, 6-7 ёшда сут ва доимий тишлар тўғрисида маълумоти йўқлигидир. Таъкидлаш жоиз, биз уларни нафақат аниқлаяпмиз, балки касалликлар асоратларини бартараф этиш билан бирга, тиш бўғимларидаги ўзгаришларни ҳам ўрганмоқдамиз. Шунингдек, махсус тиббий иммунологик, биокимёвий кўрсаткичларнинг аниқлаш йўллари, рентгенологик текширувлари ўтказилиб, касалликларнинг олдини олиш чоралари олиб бориляпти. Яна бир жиҳат, Бухоро давлат тиббиёт институтининг 4 та мутахассислик кафедрасида таҳсил олаётган юқори курс талабалари ҳамда клиник ординаторлар Бухоро шаҳридаги умутаълим мактабларини қамраб олиб, ўқувчилар орасида тиш ювишни муляжлар, слайд, видеороликлар ёрдамида унинг профилактик чора-тадбирлари тушунтирилмоқда. Бу эса ёш авлодни соғлом турмуш тарзига риоя қилишида хизмат қилади, десам айни ҳақиқатдир, – **дейди Бухоро давлат тиббиёт институти Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси мудири Акбар Саидов.**

(Давоми. Боши 5-бетда).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу каби халқаро илмий-амалий конференция Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар, соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни бартараф этиш, соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиш билан боғлиқ бошқа долзарб масалаларни ҳал қилишда замин яратади.

Матбуот анжумани

ЭНДОКРИНОЛОГИК ХИЗМАТ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ АҲВОЛДА?

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида эндокринологиянинг долзарб масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази олимлари, мутахассислар ва журналистлар иштирок этишди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Э. Баситханова сўзга чиқиб, халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, айниқса, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим вазифаси эканини таъкидлади. Бу жараёнда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳуқуқий асос бўлаётганини айтди. Шунингдек, замон талабларига мос тиббий ёрдам кўрсатиш, халқимизнинг ихтисослаштирилган хизматга бўлган эҳтиёжини вақтида ва сифатли қондириш зарурлиги борасида фикрини билдирди.

Анвар АЛИМОВ,
Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори:

— Давлатимиз ҳамда ҳукуматимизнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва "Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида тиббиётнинг эндокринология йўналишида кўплаб фаолиятлар йўлга қўйилди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига академик Ёлқин Тўрақулов номи берилди. Бунинг баробарида, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Андижон вилояти эндокринология диспансерлари марказимизнинг филиалига айлантирилди. Ўзбекистон Республикасида ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш чора-тадбирлари дастурига биноан барча вилоят эндокрин диспансерлари ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Инвестиция дастурига киритилиб, реконструкция ва модернизация қилиниши учун маблағ ажратилди. Вертикал хизмат фаолиятини янада мукаммаллаштириш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни такомиллаштириш мақсадида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари тизимли асосда ташкил этилмоқда. Бу йўналишда ҳозирги кунгача 67 нафар мутахассис қайта тайёрлов курсидан ўтиб шифокор-эндокринолог сертификатига эга бўлди ва жойларда ўз фаолиятини бошлади. Яна бир жиҳат, марказда илмий тадқиқотлар, инновацион ғояларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда эндокринологиянинг долзарб масалалари — қандли диабет, нейроэндокринология, репродуктив эндокринология соҳаларида генетик ўзгаришларнинг аҳамияти ҳамда юқори технологик ташхис ва даво усуллари юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижалари нафақат марказда, балки вилоят эндокринология диспансерларида ҳам татбиқ этилмоқда. Амалиётга дунё миқёсидаги эришилган ютуқларни татбиқ этиш, илмий йўналишда изланишлар олиб бориш мақсадида Жанубий Корея, Украина, Туркия, Буюк Британия, АҚШ, Россия, Чехия давлатларидаги етакчи тиббий-илмий марказлар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Шунингдек, келишувларга биноан чет элдаги нуфузли клиникаларнинг етук мутахассислари пойтахтимиз ва вилоятларда маҳорат дарсларини олиб бормоқда, кўргазмали операциялар ўтказиляпти.

— Маълумки, мамлакатимиз океандан узоқда жойлашгани, тупроқ ва сувда йод миқдорининг камлиги сабабли йод танқислиги ҳудудлардан бири ҳисобланади. Шу боис, республикамизда қалқонсимон без касалликлари кўп учрайди. Тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида иш олиб борилганлиги учун ҳозирги пайтда қалқонсимон без касалликлари нисбатан камаймоқда. Лекин шунга қарамай, ҳаёт давомида йод профилактикасини олиб бориш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Яъни тугунли, кўптугунли, заҳарли бўқоқлар ҳамда буларнинг асорати қалқонсимон без касалликлари кўп ҳолларда учрамоқда. Марказимизда тугунли ҳамда заҳарли бўқоқларни эрта ташхислашда радиоиммун лаборатория иш олиб боряпти. Айтиш жоиз, ихтисослашган тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштиришда соҳага замонавий тиббий диагностика услублари ва воситаларини кенг татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Эндокринология диспансерлари ИФА анализаторлар билан жиҳозланиб, қалқонсимон безнинг барча касалликларини гормонал текширувлари амалга оширилмоқда. Натижада эрта ташхислаш, қиёсий ўрганиш, даволаш усулларини мониторинг қилишга эришилмоқда. Марказда дунё андозаларига хос, инновацион ва янги, юқори сезгирликдаги хемилюминисцент диагностика усули йўлга қўйилгани бунга мисолдир. Бу технология ёрдамида нафақат гормонларни, балки онкомаркёрларни ҳам аниқлаш имкони яратилди. Ушбу усул соатига 100 та текширувни амалга ошириш имконига эга. Шунингдек, эндокринология соҳасида жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида амалга оширилаётган юқори технологияли даволаш услубларидан ҳам самарали фойдаланиляпти. Бу эса халқимизнинг хорижга бормай, шу ернинг ўзида ташхисланиб, даволаниш имкониятини бермоқда, — **дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ядро тиббиёт бўлими мудири Яҳё Носирхўжаев.**

Тадбирда таъкидланганидек, юқори малакали эндокринолог мутахассисларни тайёрлаш ва жойларда кадрлар етишмовчилигини тўлдириш мақсадида бугунги кунда марказда докторантура ҳамда клиник ординатура таълими йўлга қўйилган. Шунингдек, қатор илмий-амалий, фундаментал ва ёш олимлар илмий грантлари бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

— Эндокринологик касалликларининг аксарияти, айниқса, қандли диабет ва қалқонсимон без хасталиклари сурункали бўлгани сабабли ҳам оила, ҳам давлатга катта зарар етказади. Шунинг учун аввало, уларни даволаш ёки ташхислаш эмас, олдини олишга асосий эътиборни қаратишимиз керак. Бугунги кунда республикамизда 202 минг нафарга яқин қандли диабет билан оғриган бемор мавжуд бўлиб, улардан 18 минг нафарга яқини қандли диабетнинг биринчи турига чалингандир. Ўз-ўзидан маълумки, асосан иккинчи тур қандли диабет кўп учраб, улар инсулинга муҳтож ҳисобланади. **Хўш, бу борада нималар қила олдик?** Энг аввало, болалар, ўсмирлар ва катталарда қандли диабет регистри қай даражада тарқалганлигига қараб тегишли режалар ишлаб чиқилди. Марказ бирламчи тиббий бўғин жабҳаларига яқинлашиш, яъни вертикал услуб тизимида фолият олиб бориш йўлга қўйилди. Унга биноан бир йил мобайнида 435 дан ортиқ мутахассис чиқишлар қилди. Бу жараёнда нафақат маҳаллий шифокорлар малакасини оширишга қаратилган маҳорат дарслари, балки аҳоли ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Йод танқислиги муаммолари, йодланган ош тузи истеъмоли, йод тўғрисида тегишли ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида бугунги кунда йод танқислиги муаммоларининг 72 фоиздан 32 фоизга камайгани соҳада эришилаётган муваффақиятлардан биридир. Марказ билан 14 та диспансер ўртасида ягона тизим яратилиб, телемедицина орқали беморларга ташхис қўйилмоқда. Муҳим эндокринологик муаммоларни хорижий олимлар иштирокида муҳокама қилиб, ўзаро тажриба алмашилмоқда. Ҳудудлардаги 30 дан ортиқ соҳа ходими илмий иш билан шуғулланиб, грантларни қўлга киритишяпти. 67 нафар мутахассис-эндокринолог бирламчи тизимда фаолият юритиши учун қайта тайёрланди. 140 нафарга яқин умумий амалиёт шифокори тематик курсларни ўтишди, яъни тор соҳа бўйича ўқитилди. Бирламчи тиббий-профилактика муассасалари шифокорларининг бу борадаги билим ва тажрибасини бойитиш мақсадида жойларда эндокринологиянинг долзарб вазифалари бўйича ташкил этилган маҳорат дарсларига 3 минг нафарга яқин умумий амалиёт шифокорлари қамраб олинди, — **дейди илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Замира Ҳалимова.**

Дарҳақиқат, касалликни даволаш билан бир қаторда унинг олдини олиш энг муҳим вазифадир. Эндокрин хасталикларининг олдини олиш борасидаги бу каби саъй-ҳаракатлар тиббиётнинг олий мақсади — инсон саломатлигига эришишда хизмат қилишига ишончимиз комил.

5-6-саҳифа материалларини Жонибек МАЪРУПОВ тайёрлади.

Ибратли йўл

МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТЛАР МАҲСУЛИ

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўз касбига садоқати, қолаверса, эзгу фазилатлари билан обрў-эътибор топади. Айниқса, йиллар давомида жамиятимиз тараққиёти йўлида фидойиларча меҳнат қилиб, эл назарига тушиш, халқнинг дуосини олишдек бахт бўлмаса керак. Айтиш муҳимки, аҳоли саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган тиббиёт соҳаси вакиллари орасида профессор Акром Фозиловнинг хизматлари ҳам ана шундай эътирофга муносибдир.

Профессор Акром Фозилов ҳамкасблари даврасида

Қаҳрамонимиз айни кунда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ультратовуш диагностикаси кафедраси маслаҳатчиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Акром Акмалович 1938 йилнинг 24 мартида Тошкент шаҳрида зиёли оилада таваллуд топган. 1961 йили Тошкент тиббиёт институтининг (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) педиатрия факультетини тамомлаб, 1987 йилгача Ўзбекистон Фанлар академияси онкология ва радиология институтида илмий ходим, 1966 йилдан бошлаб собиқ Иттифоқда дастлаб ташкил этилган ультратовуш диагностикаси лабораторияси мудири вазифасида ишлади. 1987-1992 йилларда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг онкология ва ультратовуш диагностикаси кафедраси бошлиғи, 1975–1982 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги илмий-тиббий кенгаш раиси муовини, 1986–1987 йилларда Афғонистон Республикасининг Қобул шаҳрида "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш" илмий-техник кўргазмаси директори ҳамда 1988-2000 йилларда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўқув ишлари бўйича проректор лавозимида самарали фаолият олиб борди. Жонкуяр ва тажрибали мутахассис Акром Фозилов 1967 йилда тиббиёт фанлари номзоди, 1981 йилда эса тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига эришди. Тадқиқотчи яратган махсус технологиялар, яъни эхозондлар, когерент ва акустик голография усуллари, компьютерли ультратовуш томографияси, ультратовуш диагностикаси мутахассисининг автоматлашган иш жойи ва бошқалар жаҳон тиббиёт диагностикаси тарихи ва тараққиётида янги муҳим босқич бўлди, десак муболаға бўлмайди. Буюк шахс Генрих Гейне: "Ҳар бир аср янги ғоялар билан бирга, янгича қараш, нигоҳларни ҳам кашф этади", деган эди. Бунинг исботи сифатида айтиш жоизки, 1960–1970 йилларда Акром Фозиловдек тиниб-тинчимас олимнинг илмий изланишлари ва ташаббуси билан жаҳон тиббиёти ва амалиётида ультратовуш диагностикаси усули ҳамда тиббий визуализация соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшилди. Олим раҳбарлигида ўтказилган илмий, социологик тадқиқотларга кўра, ультратовуш диагностикаси усули бўйича юртимиз терапевтларнинг 97, педиатрларнинг 94, акушер-гинекологларнинг 92, хирурглар нинг 90 фоизи ушбу тадқиқотни амалиётда қўллаб келмоқдалар.

Изланувчан олим фаолият кўрсатаётган кафедра жамоаси МДҲ давлатларининг кўплаб тиббиёт муассасалари, шунингдек, Австриянинг Грац шаҳридаги университет, АҚШ, Германия, Австралия, Жанубий Корея, Италия каби давлатлардаги етакчи клиникалар билан илмий-тиббий ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўз соҳасининг билимдони Акром Фозилов ҳамкасблари ва шогирдлари билан мамлакатимиз ва дунё миқёсида бўлиб ўтаётган нуфузли анжуманларда ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўз маърузалари билан иштирок этиб келмоқдалар. Эътирофлиси шундаки, олим ультратовуш анатомияси, касалликларнинг эхографик белгилари, беморларни муфассал равишда текширишда ультратовуш диагностикасининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида мутахассислар учун ўнлаб амалий қўлланма, дарслик ва йўриқномалар яратди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Акром Фозиловнинг илмий тадқиқотлари асосида ультратовуш ёрдамида назорат олиб бориш, яъни доимий ультратовуш скринингни ва мониторинги концепцияси яратилди, врачлик ихтисослиги номенклатурасида "Ультрадиагностика врачи" мутахассислиги жорий этилди. Шундай қилиб, 1961 йилдан бошлаб Ўзбекистонда илк бор ультратовуш диагностикасининг истиқболлари белгиланиб, йиллар давомида янада ривожланди. Тиббиётимиз равнақи йўлида астойдил хизмат қилиб келган профессор Акром Фозиловнинг бевосита раҳбарлиги ва маслаҳати билан ўнга яқин докторлик, қиркдан ортиқ номзодлик диссертациялари муваффақиятли ёқланди, шифокорларнинг диплом олгандан кейинги малака ошириш жараёнида беш минг нафардан зиёд ультратовуш диагностикаси врач тайёрланди. Улар айни пайтда ўз билим ва иқтидорларини нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг турли минтақаларида инсон саломатлиги йўлида сарфлаб келмоқдалар. Шу ўринда айтиш жоизки, устоз томонидан ёзилган монография ва дарслик, 50 дан зиёд илмий-услубий қўлланма, 300 дан ортиқ илмий мақола ва йўриқномалар жаҳондаги кўплаб илмий-тиббий журналларда ҳам нашр қилинган. Бу албатта, республикамизда ультратовуш диагностикасининг равнақи янада ошиб, аҳоли саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Илмий салоҳият эгаси, таниқли олим ўзининг ихтиролари учун 10 та патент ва муаллифлик гувоҳномаларига эга бўлиб, шунингдек, яратган ноёб ультратовуш аппарати учун Европа сертификатига муносиб деб топилган. Акром Фозилов мамлакатимиз тиббиёти равнақига қўшган улкан ҳиссаси учун Америка ультратовуш тарихи институти ва Жаҳон акустиклари ташкилотининг фахрий унвонига сазовор бўлди. 1995 йили Россия Федерацияси тиббий-техник фанлар академияси академиги этиб сайланди. Буюк Британиянинг Кембриж университетида "2000–2001 йилларнинг энг фаол Инсони" сифатида тан олинди, кумуш эсдалик нишони билан тақдирланди.

Мақоламиз қаҳрамони Акром Фозиловнинг меҳнат фаолиятига назар ташлар эканмиз, юқорида айтиб ўтилган эътирофли фикрлар бежиз айтилмаганлигини кўрамиз. Шундай экан, машаққатли меҳнат ортидаги маҳсул ҳар қандай инсон ҳаётини ибрат мактабига айлантиради. Халқимиз нақли билан айтганда, "Ҳалоллик мартабани безайди" деган пурмаъно сўзлар профессор Акром Фозиловнинг умр йўлларини безаб турибди.

Зеро, олим томонидан ультратовуш диагностикаси бўйича катта мактаб яратилди. Шу кунларда табаррук 80 ёшни қаршилаётган устоз Акром Фозилов ҳамон ҳамкасб ва шогирдларига касб сирларини ўргатиб келмоқда. Шу фурсатдан фойдаланиб, бу фидойи инсонга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, янгидан-янги ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси,
Турон Фанлар академияси академиги.

Тажриба, маҳорат ва амалиёт

«...АКСИНЧА, ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИБ ДАВОЛАНИШАДИ»,

дейди Россия онкологлар Ассоциацияси раиси Михаил Давидов.

– Отам Инотилла Абдуллаев 1953 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. Уч йил олдин юрак касалликларини даволаш мақсадида жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Яқинда ошқозонда ўсимта борлиги аниқланди. Шунда мазкур тиббиёт муассасасига мурожаат қилдик. Шифокорлар барча шароитларни яратиб беришди. Соҳа ходимларининг билими ва тажрибаси етарлича эканлигига амин бўлдик. Гувоҳи бўлганингиздек, операция муваффақиятли бажарилди. Отам яна оиламиз бағрига соғлом қайтадилар, барчамизнинг хурсандчилигимиз чексиз. Бунинг учун шифокорларга миннатдорлик билдираман, – **дейди беморнинг ўғли Элмурод Абдуллаев.**

қилган. Улар томондан бунда оператив даво чораларини қўллаш кераклиги тушунтирилиб, бизнинг марказга юборилган. Чуқурроқ текшириб кўрилганда қалқонсимон безнинг чап бўлагидан чиққан ўсма тўш орқасига ўтиб, трахеяни 5 миллиметргача сиқиб қўйган. Кўриб турганингиздек, 3 соат мобайнида операция қилиниб, барча хавф ортда қолди. Албатта, буни академик М. Давидов билан бирга амалга оширдик.

(Давоми. Боши 1-,3-бетларда).

Олимжон ҒУЛОМОВ,
Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Қизилўнгач ва меъда-ичак касалликлари бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди:

– Биз қизилўнгач меъданинг ўсма ва яра касалликларини, чандиқли торайишлар ҳамда туғма нуқсонларида операция амалиётларини бажариб келмоқдамиз. Улар ичида энг долзарб бўлиб тургани бу меъданинг саратон касаллигидир. У кўплаб давлатларда кенг тарқалган касаллик ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб бу каби юқори технологик операция муассасамизда бажарилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу ўринда айтиш мумкинки, йил давомида бўлимда 80-90 та бундай амалиётлар бажарилади. Биргина, 2017 йилда 87 та шундай операция ўтказилиб, ижобий натижаларга эришилди. Бугун академик М. Давидов билан бирга 1,5 соат давомида 64 ёшли беморда меъданинг проксимал қисми ҳамда кичик-эгрилигини тўлиқ қоплаган саратон касалликларининг учинчи даражасини бартараф этиш учун операцияни бажардик. Мазкур жараён муваффақиятли бажарилиб, камчиликларни тўғри англаб, тажриба алмашиб, янги усулларни ўргандик, ўзаро маслаҳатлашдик. Ўйлайманки, ушбу ҳамкорлик узоқ давом этиб, ўзининг ижобий самарасини кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, бу каби амалий ҳамкорлик фаолиятимизга катта ёрдам беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳамкорликдаги бу каби ишлар шифокорлар малакасини ошириш, янги ахборот технологияларини амалиётга жорий этиш, сирасини айтганда, соҳани такомиллаштиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, тизимни янада равнақ топтириш, жаҳон тажрибасини ўзлаштириш ва халқимизга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини беради.

Жонибек МАЪРУПОВ.

Давра суҳбати

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

Жорий йилнинг 27 март куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Тиббиёт ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари: амалиёт ва халқаро тажриба" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Адлия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ички ишлар, Молия вазирликлари, Бош прокуратура, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва бошқа манфаатдор идоралар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З. Низамходжаев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётгани, кейинги икки йил ичида давлатимиз раҳбарининг мазкур соҳани ислоҳ қилишга қаратилган битта Фармони, 16 та Қарори ва 11 та Фармойиши, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 20 та Қарори ва 10 та Фармойиши қабул қилинганини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, ўтган йиллар мобайнида тизимда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўзга ташланаётганини билдириб, миллий қонунчиликда тиббиёт ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида қонун ҳужжати ёки муайян ҳуқуқий нормалар мавжуд эмаслиги борасида ҳам сўз юритди. Тиббиёт ходимларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизмининг йўқлиги сабабли амалиётда кўплаб муаммолар келиб чиқаётгани, муассасаларда навбатчиликлар билан боғлиқ муаммолар беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатининг пасайишига, соҳа ходимларига ҳам ноқулайликлар туғдираётгани юзасидан ўз фикрини баён этди. Бунинг баробарида, муаммонинг келиб чиқишига, тиббиёт муассасаларида иш жойлар қисқартирилиши, сутка давомида туну кун тегишли тиббий хизмат кўрсатиш учун мутахассислар етишмаслиги, 12 соатдан навбатчиликни ташкил этишда қийинчиликлар юзага келиши, вақтинча меҳнатга лаёқатсизликда бўлган ходимлар ўрнига ортиқча навбатчилик учун иш ҳақи тўланмаслиги сабаб бўлаётганини ҳам таъкидлади.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Пенсия ҳисоблаш услубиётини мувофиқлаштириш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлими бошлиғи Зафар Хўжаев тиббиёт ходимларига нафақа тайинлашдаги амалиёт ва тажриба борасида батафсил тўхталиб ўтди.

– Тиббиёт ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Тармоқ келишуви имзоланган. Унга асосан 3 минг 797 та муассасада 100 фоиз жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар орқали жами 633 минг 580 нафар ходим манфаатлари қамраб олинган. 2017 йилда Республика бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномаларида қабул қилинган жами бандларнинг 97.1 фоизга бажарилишига эришилган. Бу кўрсаткич 2015 йилда 95.4 фоиз, 2016 йилда 98 фоиз бўлган. Амалга оширилаётган ишларга қарамасдан айрим муассасаларда қонун талаблари бажарилмаяпти ёки талаб даражасида эътибор қаратилмаяпти. Биргина мисол: касаба уюшмаларининг барча органларидан йил давомида жами 8124 та мурожаат, шундан 1201 та ариза ва мурожаат Соғлиқни сақлаш тармоғи (633 580 нафар аъзолар) ходимларидан келиб тушган. Жумладан, айрим ҳолларда ходимларнинг хизмат сафари давридаги суткалик харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган бўлишига қарамай, маблағ йўқлиги рўкач қилиниб тўлаб берилмаяпти. Ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини билмасликлари учун ҳам ҳар йили тиббиёт ходимлари турли даражадаги бахтсиз ҳодисаларга учраб келмоқдалар. Жумладан, ҳисобот даврида 10 та бахтсиз ҳодиса содир бўлишига йўл қўйилиши натижасида 2 нафар ходимнинг бевақт вафот этишига ва 7 нафар ходим оғир тан жароҳати олишига сабаб бўлди. Шу ўринда тиббиёт ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мониторинг қилиш, тиббиёт ходимлари фаолияти кафолатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг аниқ механизмларини жорий этиш зарур. Бунда тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлигини, уларга тегишли шарт-шароитларни қўллаш, санаторий-курортларда даволанишлари бўйича йўлланма бериш каби имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ, деб биламан, – **дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси раиси Фарҳод Ханапияев.**

– Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси "а" бандига асосан меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар (2-сонли рўйхат, I қисм) ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Мазкур Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлинган талаб қилинган имтиёзли иш стажига эга бўлганда, ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади. Яъни радиоактив моддалар билан ишлайдиган, радиологик ва ангиографик бўлимларда мунтазам равишда шуғулланадиган шифокор-радиологлар, рентген лабораториялари, рентген, ангиография ва флюрографик кабинетларда фаолият юритаётган шифокорлар, рентген ва ангиография бўлимларида мунтазам равишда реанимация бўлинмаларида ишлайдиган шифокорлар, шунингдек, ўрта тиббиёт ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги "Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 2-сонли рўйхат, I қисмида келтирилган тартибда жорий қилинади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 38-моддасига мувофиқ айрим тиббиёт муассасаларида ишланган даврлар иш стажига имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланади. Яъни моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш – икки ҳисса баробарида ҳамда патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимларидан айрим тоифаларининг иши – бир ярим ҳисса баробарида ҳисобланади. Яна бир жиҳат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида"ги 3450-сонли Қарори асосида жорий йилнинг 1 январдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотларида ишловчи шифокор-пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланиши жорий қилинди, – **дейди Зафар Хўжаев.**

Тадбирда таъкидланганидек, ўриндошлик асосида ишлаш тартибини такомиллаштириш, вакант шифокор лавозимларини тўлдириш, меҳнат шароитлари оғир бўлган йўналишларда ўриндошлик асосида ишлашга тақиқларни бекор қилиш ва асосий ишга қўшимча яна бир ставка шифокорлик вазифасини ўриндошлик асосида бажаришга рухсат бериш масаласини кўриб чиқиш лозим. Юқорида қайд этилган муаммолар сабабли 2016 йил мобайнида ишдан кетганлар 10 минг 782 нафарни (14,8%) ташкил этган. Бунда, вакант иш ўрни 11 минг 859 бирликни (12,8%) ташкил қилиб, ҳар 10 минг аҳолига 22,4 нафар шифокор тўғри келган, яъни вакант иш ўринлари салмоғи сўнгги 5 йилда 1,66 маротаба кўпайган, шифокорларга бўлган эҳтиёж эса ошган. Натижада аҳолига тиббий ёрдамни сифатли ва ўз вақтида ташкил этишда самарадорликка эришилмаяпти.

– Айтиш жоизки, тиббиёт ходимларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизмининг йўқлиги сабабли амалиётда кўплаб муаммолар келиб чиқмоқда. Шифокорлар беморнинг қариндошлари томонидан ҳақорат қилиниши, айрим ҳолларда эса, тан жароҳати етказилиши, ўзининг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган вазифалар юклатилиши ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунинг учун фаолият кўрсатаётган тажрибали шифокорлар ва тор доирадаги мутахассислар бюджет ташкилотларидан кўра, хусусий секторларда ишлашни афзал кўрмоқда. Яна бир жиҳат, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги Қарорига мувофиқ, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар 1 дан 11 гача белгиланган бўлиб, кичик тиббиёт ходимлари учун тариф сеткаси бўйича 1 дан 2 гача, ўрта тиббиёт ходимлари учун 2 дан 7 гача, шифокорлар учун 6 дан 10 гача бўлган разрядлар белгиланган. **Хўш, ана шундай муаммо ва камчиликларни бартараф этишда нималарга эътибор қаратиш зарур? Қандай таклифларни киритиш муҳим?** Аввало, Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг нечоғли муваффақиятли амалга оширилиши кадрларнинг билими, малакаси, салоҳияти, шунингдек, ижтимоий ҳимояланиши билан боғлиқ бўлганини инобатга олиб, тизимда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларнинг самарали фаолияти, уларга янада зарурий шарт-шароитлар яратиш. Шу билан бирга, "Тиббиёт ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунингдек, ўриндошлик асосида ишлаш тартибини такомиллаштириш, вакант шифокор лавозимларини тўлдириш, меҳнат шароитлари оғир бўлган йўналишларда ўриндошлик асосида ишлашга тақиқларни бекор қилиш ва асосий ишга қўшимча яна бир ставка шифокорлик вазифасини ўриндошлик асосида бажаришга рухсат бериш масаласини кўриб чиқиш зарур. Йил давомида ортиқча ишлаган вақти 120 соатдан ошиб кетиши натижасида ортиқча вақт учун тўланган иш ҳақига тегишли тўловларни амалга оширилишининг қонуний асосларини белгилаб берилишини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратиш зарур, – **дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий-ижтимоий ёрдам муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Алишер Инаков.**

Давра суҳбати якунлари бўйича республикамизда тиббиёт ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилишни янада яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жонибек МАЪРУПОВ.

Форум

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Фаолиятлар натижаси йиллик сарҳисоб, ўзаро тажриба алмашиш майдонида кўзга ташланади. Шунингдек, бу жараёнда келгусидаги вазифалар режаси, бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар ва фаолиятларнинг таҳлилий хулосаси ҳам ойдинлашади. Жорий йилнинг 23 март куни бўлиб ўтган "2-Россия ва Ўзбекистон неврологлари форуми" ҳам айни шу мақсадларга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент педиатрия ва Самарқанд давлат тиббиёт институтлари ҳамкорлигида ташкил қилинган форумда халқаро ҳамда мамлакатимиз невролог мутахассислари иштирок этди. Анжуманнинг кириш қисмида Соғлиқни сақлаш вазирлиги фан ва тиббий таълим бош бошқармаси бошлиғи Ўктам Исмоилов форум ишида кўриб чиқиладиган масалалар мазмун-моҳияти ва ундан кўзланган асосий мақсадлар хусусида сўз юритиб, тадбир иштирокчиларига муваффақият тилади. Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда соҳага қаратилаётган эътибор натижасида неврологик ёрдам кўрсатиш малакаси янада яхшиланиб, вилоят ва туман шифохоналари ҳам замонавий неврологик тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг, форум кун тартибига киритилган асосий масалалар муҳокамасига ўтилди ва асаб касалликларини замонавий даволаш, ташхислаш усуллари ҳақида даллиларга асосланган тиббиётга таянган ҳолда фикр юритилди.

Л. ЧУТКО,
профессор. Россия,
Санкт-Петербург:

– Анжуман қизиқарли муҳокамаларга бой бўлди. Айниқса, амалиётга татбиқ этилаётган янгича даволаш усуллари борасидаги фикр алмашувлар муҳим аҳамиятга эга деб ўйлайман. Форумда "Бош оғриғи. Даволаш ва реабилитация" мавзусидаги маърузам билан иштирок этяпман. Бу мавзудаги мамлакатингиз мутахассисларининг фикридан эса фаолиятим учун керакли, шу билан бирга қизиқарли маълумотларни олдим. Уларнинг келгусидаги фаолиятимда асқотишига ишонаман. Йиғилиш ташкилотчиларига эса миннатдорлик билдираман.

Е. ТРУФАНОВ,
профессор.
Украина:

– Паркинсон касаллиги нима, унинг ҳаракатга боғлиқ бўлмаган кўринишлари қандай даволанади? Анжумандаги маърузам шундай номланади. Форумга келсак, бу каби тажриба алмашишлар инсониятни қийнаб келаётган касалликларни даволашда янгича ёндашувлар, замонавий усулларни амалиётга кенг татбиқ этиш имконини беради. Қолаверса, тажрибамдан маълумки, касалликлар ҳам турли кўринишда шаклланади. Шу боис, бу борада ҳар хил қарашлар ишимизни осонлаштиради. **Кўряпсизми, бундай учрашувларнинг аҳамияти қандай қимматли.**

Ҳа, тиббиёт шундай соҳа, у қотиб қолишни ёқтирмайди. Касалликлар кўпайгани сингари уни даволаш турлари ҳам ортиб бораверади. **Шу жиҳатдан олиб қараганда, халқаро тажрибалар уйғунлаштирилса, тиббиётнинг қўли баланд келади.** Шундай экан, ушбу форум муҳокама хулосалари аҳоли саломатлигини сақлашда ўта муҳим ўрин тутади. Шуни ҳам айтишим керак, мамлакатингиз тиббиёти жадал илгарилаб бормоқда.

– Ушбу форумда мамлакатимизнинг етакчи невролог мутахассислари қатори Россия давлатининг профессор-олимлари ҳам ўзларининг долзарб мавзуларга бағишланган маърузалари билан иштирок этмоқда – **дейди, Тошкент педиатрия тиббиёт институти болалар неврологияси ва тиббиёт гинетика кафедраси мудири, профессор Ёқутхон Мажидова.** – Кўриб чиқилаётган масалалар эса соҳа олдида турган муаммоларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, тизимдаги янгиликлар, бош мия қон-томир, инсулт касалликлари, инсультдан кейинги асоратни ва у билан боғлиқ ногиронликни камайтириш каби масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатимиз тиббиётида бу борада эришилаётган натижалар салмоғи ва бунинг учун яратиб берилаётган имкониятларни алоҳида эътироф этиш лозим.

Айниқса, Президентимизнинг тизимга қаратаётган эътибори натижасида неврология марказини ташкил қилиш борасида олиб борилаётган фаолиятлар, албатта, соҳа тараққиётини янада такомиллаштиради. Форум доирасида ўрганилаётган масалалар эса келгуси фаолиятимизнинг асосий режасини белгилаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, тажриба – бу изланиш, ривожланиш, самарали натижа ва муваффақиятга эришиш демакдир. Шу мақсадларга қаратилган форум хулосалари эса соғлиқни сақлаш тизимининг неврология йўналишига янгича ёндашувлар олиб кириши шубҳасиздир.

Форум иши 24 март куни Самарқанд вилоятида давом эттирилди.

Маҳорат дарслари

МАЛАКА ОШИРИШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти. Ўз номи билан мутахассислар билим даражасини бойитишга хизмат қилувчи мазкур муассасадаги ҳар бир кафедранинг ўз йўналиши бўйича мақсад-вазифаси бор. Жумладан, болалар асаб касалликлари кафедраси фаолияти, улардаги малака оширишда жорий этилаётган янгича ёндашувлар борасида ҳам айни шундай фикр билдириш мумкин.

Боиси, жорий йил март ойининг биринчи кунидан бошлаб кафедра томонидан ташкил қилинган "Болалардаги эпилепция касаллигини тўғри ташхислаш, эрта аниқлаш ва даволаш" мавзусига бағишланган ўқув семинар натижалари фикримиз асосидир.

– Жорий йилги фаолиятларимиз режасидан келиб чиққан ҳолда март ойининг биринчи кунидан бошлаб икки ҳафтага мўлжалланган тадбир ташкил этганмиз, – **дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти болалар асаб касалликлари кафедраси мудири, профессор Шоанвар Шомансуров.** – Бунда болаларда учрайдиган эпилепция ва шайтонлаш касалликларини аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва замонавий янгича даволаш усуллари кўриб чиқилмоқда. Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, амалиётимиз мобайнида кузатилиб турадиган ушбу хасталикни даволашнинг муаммолари кўп. Аҳамиятли томони бизда тўхтаб қолган ва амалиётга ҳали кириб келмаган янгича даво муолажа усуллари ҳам бор. Шулар тўғрисида маҳаллий мутахассисларимиз малакасини ошириш мақсадида ўқув семинарларига хорижлик олимларни ҳам таклиф қилдик. Ўйлайманки, мазкур тажриба алмашишлар келгусида ўзининг самарали натижаларини беради. Чунки тингловчилар семинар давомида келгуси фаолиятида талаб этиладиган зарурий билимларни ўзлаштирмоқда.

О. ДЮЛАК,
профессор, Франция:

– Мазкур касалликни даволашда мамлакатингизда йўлга қўйилган фаолиятлар билан халқаро тажрибалар ўртасида у қадар катта фарқ йўқ. Шундай бўлса-да, ёндашувлар ўзгача. Айни шунинг учун ҳам фикр алмашишда гап кўп. Буни тажриба дейди, тажрибани эса бойитиб бориш керак. Бундан ташқари, юқори технологияли асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда, хусусан, ЭКГ ва МРТ натижалари асосида тўғри ташхис қўйиш тажрибаси борасида ҳам фикр алмашдик. Семинарда кузатдим, мутахассисларингиз интилувчан, уларда қизиқиш катта. Бўлиб ўтган савол-жавобларга таяниб бемалол шундай, деб айта оламан. Бундай ҳамкорликларни кенгроқ аудиторияларда ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Юртингизга ташрифимдан хурсандман. Ўзим учун илиқ таассуротлар олдим.

Нозима НУРМАТОВА,
Тошкенг тиббиёт академияси
1-клиникаси болалар неврология бўлими мутахассиси:

– Хорижлик мутахассис иштирокидаги ўқув семинардан фаолиятим учун кўплаб зарурий билимларни ўзлаштирдим. Жумладан, эпилепцияли беморлар билан ишлаш тажрибаси, шунингдек, тўғри ташхис қўйиш ва даволаш муолажаларидаги янгиликлар менда катта қизиқиш уйғотди. Устозларимиздан кўп бора эшитганим — тиббиётда энг асосийси изланиш ва ўз тажрибам устида тинимсиз ишлаш муҳимлигига яна бир бор амин бўлдим. Ўзлаштирган малакаларимни ҳамкасбларим билан ўртоқлашаман, уларнинг ҳам фикрини ўрганаман. Семинардаги иштироким учун сертификат тақдим этишди. Демак, биз қанчалик бўлишидан қатъий назар, билим эгалладик. Бундай тадбирларнинг келгусида кўплаб ташкил қилинишини истардим. Чунки, бу ёш мутахассисларимиз малакасини ошириш ва тиббиётимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшади.

Ҳа, кадрлар малакасини бойитиш, касалликларни эрта аниқлаш аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар бир соҳа тараққиётини малакали мутахассислар белгилаб беради. Семинар доирасида тиббий кўриклар ҳам ташкил этилди.

Саҳифа материалларини
Ҳасан АБДУҒАНИЕВ тайёрлади.

Долзарб мавзу

КЎЗ ИНСОН ЖИСМИДАГИ НОЗИК ХИЛҚАТ

уни асраб-авайланг, у сизга ёруғ олам тароватини ҳадя этади

Соғлиқни сақлаш тизимидаги халқаро тажриба алмашувлар мутахассислар фикри билан айтганда, касалликларни эрта аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва самарали даволашга хизмат қилади. Шу боис, мамлакатимиз тиббиётида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган тадбир эса фикримизнинг ёрқин исботидир.

Людмила МАРЧИНКО,
Минск тиббиёт университети профессори,
Белоруссия:

Халқаро мутахассислар иштирокида ташкил этилган тадбирни Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Зафар Сиддиқов кириш сўзи билан очиб, 11-17 март

– Бутунжаҳон глаукомага қарши кураш кунлари хусусида тўхталиб ўтди. Жумладан, касалликнинг дунё бўйича бугунги ҳолати, уни эрта аниқлашнинг нақадар долзарблиги ва самарали даволаш усуллари ҳақида сўз юритди. Таъкидладики, мамлакатимизда ҳам бу борада изчил фаолиятлар олиб борилмоқда. Айниқса, хасталикни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда бунинг учун талаб этиладиган мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини узлуксиз ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда маҳаллий кадрлар хорижий давлатларга юборилиб, чет эллик мутахассисларнинг мамлакатимизга ташрифи уюштирилмоқда.

– Масалан, бугунги тадбир ва унинг доирасида кўриб чиқиладиган масалалар ҳам ушбу йўналишдаги фаолиятларимизнинг мантиқий давомидир, – **дейди Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор Зафар Сиддиқов.** – Хорижлик тажрибали мутахассис иштирокида оғир хасталик беморлар кўриги, мамлакатимиз мутахассислари учун маҳорат дарслари ва илмий маърузалар ташкил этилди. Аҳамиятлиси уч кун давомида нафақат пойтахтимиздаги офтольмологлар балки Самарқанд ва Андижонда ўтказилган тадбирларда Самарқанд ва Бухоро ҳамда водий ҳудуди кесимидаги вилоятлар мутахассислари ҳам қамраб олинди. Бундан кўзланган асосий мақсад, Президентимиз таъкидлаганидек, малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш, бунинг натижасида тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаб, халқимизни тиббиётдан рози қилишдир.

– Аввало, мамлакатингизга ташрифимдан хурсандман ва бунинг учун миннатдорлик билдираман. Гувоҳи бўлиб турибманки, юртингизда тиббиёт соҳасига бўлган эътибор давлат даражасида экан. Ўзбекистонликлар халқпарвар Президенти билан фахрланиши керак. Чунки, мен фаолиятим давомида кўпгина давлатларда бўлганман, барча мамлакатларда ҳам аҳоли саломатлигига бу даражада эътибор қаратилмайди. Тадбирда соҳадаги долзарб муаммолардан бири – глаукомани замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари мавзусидаги маърузам билан иштирок этдим. Унда хасталикни клиник шароитда эрта аниқлаш, янги замонавий асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш ва энг қулай, тўғри ҳамда асоратсиз жарроҳлик усуллари таклиф этилади. Бундан ташқари, беморлар кўригида уларга зарурий тавсияларни ҳам беришга ҳаракат қилдим.

– Анъаналарга мувофиқ ҳар йили 11-17 март кунлари дунё бўйича глаукомага қарши кураш ҳафтаси ҳисобланади, – **дейди илмий ишлар бўйича директор муовини, тиббиёт фанлари доктори, профессор Муяссар Ҳамидова.** – Шу боис, мазкур сана доирасида мамлакатимиз, хусусан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан зарурий чора-тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, хорижлик мутахассислар иштирокидаги ушбу анжуман фикримизнинг тасдиғидир. Кўз микрохирургиясида глаукоманинг долзарблигига тўхталадиган бўлсак, у шу йўналишдаги жаҳоннинг энг етук мутахассисларининг доимий эътиборида турган муаммоли масалалардан биридир. Сабаби, бугунги кунда касалликни ташхислаш ва даволашнинг бир қанча усуллари таклиф этилишига қарамасдан, хасталикнинг кўриш қобилиятини сусайтирувчи ва кўрликка олиб келувчи асоратлари кўпайиб бормоқда. Шунинг учун соҳа олимлари томонидан илгари сурилаётган энг асосий масала касалликни эрта аниқлаш деб белгиланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам хасталикни қанчалик эрта аниқласак, унга қарши қўллаётган консерватив лазер ва жарроҳлик усулидаги даво муолажаларимиз шу қадар самарали бўлади. Табиийки, марказимиз фаолияти мисолида ҳам бу борада изчил ишлар ва чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг баробарида хасталикнинг молекуляр-генетик жиҳатларини ҳам тадқиқ этиб, даволашнинг замонавий усуллари, касалликни келтириб чиқарадиган бирламчи омиллар таҳлилий ўрганилмоқда. Илмий изланишларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида касаллик аломатлари юзага чиқмасдан ҳам аниқланиши мумкин. Лекин бу юқори технологик усуллар ҳамда малакали кадрларни талаб этади. Аслида бу борада сўз борганда, тиббиётнинг олтин қоидаси – касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, деган тушунчага амал қилган маъқулроқ. Бироқ, бу масала биргина тиббиёт ходимига боғлиқ эмас. Бунинг учун аҳолидан ҳам юксак даражадаги тиббий маданият талаб этилади.

Дарҳақиқат, кўз инсон жисмидаги нозик хилқат. Бошқача айтганда, бу ёруғ олам тароватини ана шу неъматсиз тасаввур эта олмаймиз. Мутахассис фикрига кўра, глаукома турлари инсон кўз тузилишига қараб шаклланади ва у очиқ ҳамда ёпиқ бурчакли кўринишда деб юритилади. Шундан очиқ бурчакли тури хавфли ҳисобланади. Сабаби, бу ўзига хос белгиларсиз ва оғриқсиз кечади. Шунинг учун беморларда шикоят ҳам бўлмайди. Аммо унинг ривожланиши бора-бора ой ва йиллар давомида кўриш қобилиятининг сусайиши, кўрликка олиб келади. Бу пайтга келиб, даво муолажалари ҳам ижобий натижа бермаслиги мумкин.

Хулоса, ўрнида айтиш мумкинки, борлиқни бор ранглари билан кўришни истасак, соғлом турмуш тарзига амал қилишимиз лозим. Мутахассис кўмаги энг сўнгги чора бўлиши керак. Зеро, шифокор таъкидлаганидек, ҳар қандай касалликнинг ҳам олдини олган маъқул. Бу эса ўзимизга боғлиқ.

Амалий натижа

ЖИГАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ: ИЛК БЕМОР ШИФО ТОПИБ УЙИГА ҚАЙТДИ

Мамлакатимиз тиббиёти тарихида илк бор жигар трансплантацияси амалиёти ўтказилган бемор паркентлик 26 ёшли Убайдулла Дадахўжаев бугун шифо топиб уйига қайтди.

Мутахассислар таъкидлашича, жигарнинг терминал босқичдаги сурункали диффуз касалликлари, ўткир жигар етишмовчилиги, резекция қилинмайдиган манбали жигар касалликлари каби ҳолатларда фақатгина шу аъзо трансплантацияси бемор ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Бундай юқори технологик операциялар АҚШ, Россия, Германия, Норвегия, Швейцария ва Ҳиндистон каби тиббиёти ривожланган давлатлардагина бажарилади, холос. Бугун юртимиз ҳам ушбу мамлакатлар қаторидан жой олгани қувонарлидир.

– Трансплантология амалиётини бажаришга тиббиёт муассасамизда катта тайёргарлик кўрилди, – **дейди академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, академик Феруз Назиров.** – Марказимизнинг техник имкониятлари яхшиланди, мутахассисларимиз АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Туркия, Швейцария ва Россия Федерацияси каби давлатларда малака ошириб қайтди. Беморга унинг акаси 30 ёшли Ҳаёт Дадахўжаев донорлик қилди. Ва ниҳоят 15 соат давом этган операцияни муваффақиятли якунлашга эришдик. Ҳозир беморнинг ҳам, донорнинг ҳам аҳволи жуда яхши. Бемор тавсияларимизга тўла амал қилса, у тез фурсатда бутунлай соғайиб кетади.

Ҳа, давлатимиз томонидан тиббиёт ривожига қаратилаётган жиддий эътибор ва шифокорларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан 26 ёшли бир навқирон йигит жигар циррози деб аталмиш оғир хасталикдан буткул халос бўлиб, соғлом ҳаётга қайтди. Бу нафақат беморга, унинг яқинларига ҳам улкан қувонч бахш этди.

– Укамни айни навқирон ёшида дард тобора емириб бораётганидан қаттиқ изтироб чекардик, – **дейди Убайдулланинг акаси Ҳаёт Дадахўжаев.** – Охирги пайтларда унинг дарди янада оғирлашди. Укамга ёрдам бериш чорасини изладик. Бироқ жигар трансплантацияси учун хорижга чиқишга тўғри келиши, бунинг учун катта маблағ талаб этилиши оиламизни қийин аҳволга солиб қўйганди. Мамлакатимиз тиббиётига бундай янгиликнинг кириб келиши укамни ҳаётга қайтарди, десам хато бўлмайди. Мана, бугун у дарддан фориғ бўлиб, оиламиз бағрига қайтди. Ишонаманки, тиббиётимизнинг бу ютуғи яна кўплаб беморларга соғлом ҳаёт бахш этади. Қанчақанча оилалар бу имкониятдан баҳраманд бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот хизмати.
Суратда: Бемор Убайдулла Дадахўжаевни шифокорлар уйига кузатишмоқда.

ДИЛДАН ТИЛГА КЎЧГАН САМИМИЯТЛАР

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхонаси, шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, қолаверса, таҳририятга аҳолидан турли мавзулардаги мурожаатномалар газетамиз саҳифаларида ёритиб келинмоқда. Мактубларда республикамиз тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган соҳа ходимлари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларга бўлган эътибор ва эътироф этилиб, ташаккурлар изҳор қилинган. Қуйида ана шундай миннатдорлик хатларини эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик.

Яқинда онамнинг аҳволи оғирлашгани сабабли, Хоразм вилояти онкология диспансерида ётиб даволандилар. Волидаи муҳтарамамнинг соғ-саломат юришлари учун жон куйдирган соҳа ходимларининг машаққатлари олдида қарздормиз. Эътироф этмоқчиманки, Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Тоҳиржон Полвонов чиндан ҳам ўз ишининг моҳири экан. У ўз касбига садоқатли, қўли енгил шифокорлардан, десам хато қилмаган бўлардим. Сабаби, у эринмасдан ҳар бир бемор билан алоҳида суҳбатлашиб, ўз ёрдамини аямайдиган инсон. Шу билан бирга, Қўшкўпир туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Шокиржон Абдуқодиров ҳам шифокорлик касб диантологиясига риоя қилиб, ҳар бир беморнинг кўнглини олади. Акушер-гинеколог Рўзмат Саидов ва кардиологлар Меҳрибон Раҳмонова, Зафарбек Оллоёровга сифатли тиббий хизматлари учун ўз миннатдорлигимни билдираман. Уларга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайман, **дея Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани Окдарбанд қишлоғида истиқомат қилувчи Худойназар Ғуломов мактуб йўллаган.**

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг барча соҳалар қатори тиббиёт тизимида ҳам олиб бораётган оқилона ислоҳотлари, айниқса, оилавий поликлиникалар фаолиятини тубдан такомиллаштирилиши натижасида аҳоли тўлиқ патронаж билан қамраб олинмоқда. Ҳудудимиздаги Шайхонтоҳур туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 44-сонли оилавий поликлиниканинг умумий амалиёт шифокорлари ҳамда ҳамширалари саломатлигимиз борасида доим қайғуришади. Биз кекса, ногиронлар муассасага бора олмасакда, улар ўзлари келиб ҳолимиздан хабар олишади. Бунинг учун аввало, Президентимизга, 44-сонли оилавий поликлиниканинг бош шифокори Муқаддас Раҳматиллаева, бош шифокор ўринбосари Аҳида Муҳаммаджонова, бўлим мудири Илмира Мирвапоева, эндокринолог Ботир Ибрагимов, ҳамшира Гўзал Қурбонова ва бошқа соҳа ходимларига ўз ташаккуримни изҳор этаман. Бунинг баробарида, 2017 йилнинг октябрь, ноябрь ойларида Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмасига мурожаат йўллаган эдим. Муассасанинг раҳбарияти, айниқса, бош шифокор Г. Бурхонова, унинг ўринбосари Х. Мирсаидов мурожаатимга жиддий қараб, унинг ижобий ҳал этилишида катта ёрдам беришди. Бунинг учун уларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Биз ногиронларнинг соғлиғига беэътибор бўлмаган ва ҳамиша меҳр-мурувват кўрсатган шифокорлару ҳамширалар меҳнати олдида қарздормиз. Уларга берилган ана шундай юксак ишончни оқлаш йўлидаги машаққатли меҳнатларига муваффақиятлар тилайман, деб ўз мактубларига якун ясаган **Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидан Асқар Каримов.**

Тошкент шаҳри Олмазор тумани Себзор даҳасида яшовчи Муҳаббат Байманова ўз номасида қуйидагиларни битган: "4-5 йилдан буён белимдаги диск чурраси қийнаб, оғриқ кундан-кунга зўрайиб, оқибатда юролмай қолдим. Шунда Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари, жумладан, Вертебрология бўлими шифокори Шавкат Ахроров дардимга даво топди. Унинг чуқур билими, малакаси, энг муҳими, ширинсўзлиги туфайли оёққа турдим. Шу билан бирга, ушбу шифо масканининг бош директори Мирҳаким Азизов бошчилигида беморларга сифатли ва тез тиббий ёрдам кўрсатаётганини алоҳида эътироф этмоқчиман. Айнан шу инсонларнинг машаққатли меҳнатлари натижасида кўплаб ногиронлар соғлом ҳаётга қайтмоқда. Мана мен ҳам 8 нафар набирам ва оилам бағридаман. Уларнинг шундай масъулиятли фаолиятларига омадлар тилаб қоламан".

Тошкент шаҳри Чилонзор туманидан Маҳмудахон Усмонова мактуб йўллаб, 2018 йил 20 февраль куни тўғриғи фарзанди А. Акбаровнинг тан жароҳати олгани туфайли Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига олиб борилганини айтиб, мазкур шифо масканида соҳа ходимлари томонидан тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилганини эътироф этган. Шу билан бирга, муаллиф зурриёдининг қисқа фурсат ичида оиласи бағрига қайтишида ёрдам берган муассаса бош шифокори, бўлимнинг барча шифокор ва ҳамшираларига ўз ташаккурини билдириб, уларга сиҳат-саломатлик тилаб қолган. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган соҳа ходимлари жонкуярлиги, чуқур билим ва тажрибага бойлиги, энг муҳими ширинсўзлиги билан аҳоли қалбидан жой олиб, халқнинг дуосини олиб келишмоқда. Шифокорларимиз ўз устида доим изланиб, турли муваффиятларга эришмоқда, қатор халқаро мукофотларни қўлга киритиб келишмоқда. Эътирофлиси, халқнинг ишончини қозонмоқда. Ана шундай соҳа ходимларидан бири Тошкент шаҳар перинатал маркази шифокори Раъно Мирзахаджаевадир. **Пойтахтимизнинг Олмазор туманида истиқомат қилувчи Зоҳида Соипова** яқинда оғир аҳволда шаҳар перинатал марказига олиб келингани ва у ерда малакали шифокорлар, хусусан, Раъно Мирзахаджаеванинг беминнат хизмати туфайли оиласи бағрига соғлом бўлиб қайтганини келтириб, дил ташаккурини билдирган. Шу билан бирга, **Олмазор туманида яшовчи Зулайхо Холматова** ҳам кўрсатилган малакали тиббий хизмат учун Раъно Соқиевнага ўз миннатдорлигини изҳор этган. Бунинг баробарида, **Миробод туманида яшовчи Мухлиса Асомова ва Назокат Гулямова** ҳам акушер-гинеколог Раъно Мирзахаджаевага раҳмат айтиб, унга сиҳат-саломатлик, ҳеч қачон дард кўрмаслигини истаб қоладилар.

Ўғлим Исломжон Мамажонов 1992 йилда туғма нуқсон, бурун қисми танғайи йўқ бўлиб туғилди. Бу мен учун жуда азоб эди. Фарзандим тенгдошларидан айрилиб қолганди, соғлом ҳаётга қайтишини истар эдим. Бу борада уни кўплаб шифокорлар кўригидан ўтказдик. 2002-2003 йилларда Фарғона вилоятида илк маротаба операция ўтказилди. Афсуски, ҳеч қандай натижа бўлмади. Сўнг Ўзбекистон стоматологлар ассоциацияси раиси, тиббиёт фанлари доктори Адҳамжон Ҳасанов ўғлимни тиббий текширувдан ўтказиб, милкини ўз жойига келтириш учун бир йил мобайнида операцияга тайёрлади. Ниҳоят, 2017 йилда операция муваффақиятли амалга оширилди. Мана, ҳозирда фарзандим тенгдошлари билан бемалол ўйнаб, кулиб юрибди. Она учун бундан ортиқ бахт йўқ, менимча. Шу боис, оила аъзоларим номидан маҳоратли шифокор Адҳам Ҳасановга ташаккуримни билдираман. Уларга сиҳат-саломатлик, бунданда улуғ мартабага эришиб, халқнинг дуосини олишдан асло чарчамасинлар, деб мактуб йўллаган **Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи Шарифахон Мамажонова.**

Мен нафақадаги ўқитувчи, фермерман. Набирам Сулаймон Дўстчонов 2017 йил сийдик йўлларининг анормаллиги ташхиси билан касалланган эди. Шунинг учун Хоразм вилоятидан йўлланма асосида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказига даволаниш учун келдик. Ушбу шифо масканида Акмал Раҳматуллаев ва унинг шогирди Мансуржон Рўхиев бизни илиқ кутиб олиб, зарур даво муолажаларини олиб боришди. Бу инсонлар нафақат ўз ишининг устаси, балки ширинсўзлиги билан ҳар бир бемор боланинг қалбидан чуқур жой эгаллаганини кўриб қувонасан, киши. Эътирофлиси, мазкур муассасада чет эллик мутахассислардан қолишмайдиган малакали шифокорларимиз бор экан. Набирамнинг соғлом ҳаётга қайтишида ўз ёрдамини аямаган маҳоратли соҳа ходимларига миннатдорлигимни билдириб, касбига садоқат асло тарк этмаслигини тилаб, фарзандлари роҳатини кўришларини истаб, ўз номасига якун ясаган Хоразм вилояти **Хазорасп туманида яшовчи Гавҳар Якубова.**

2017 йил 9 июнда автоҳалокатга учраб, бош мия жароҳатини олдим. Шундан буён мунтазам равишда даволаниб келаман. Айниқса, шифокор Тўлқин Каримов бор маҳорат ва билимини кучга солиб, менга соғлом ҳаёт бахш этди. У шифокорлик қасамёдига содиқ қолиб, бирор бемордан таъмагирлик қилгани борасида ҳали эшитмадим. Аксинча дори-дармонларни топишда қийналганимни кўриб, ёрдам қўлини чўзди. Истардимки, Тўлқин Каримовдек соҳа ходимлари кўп бўлсин. Уларга ўз ташаккуримни билдириб, ишларида муваффақиятлар ёр бўлсин, дея мактуб йўллаган **Бухоро вилояти Қоракўл шаҳридан Насиба Назарова.**

2018 йилнинг 14 февраль куни мен она деган бахтга муяссар бўлдим. Менга ёрдам қўлини узатган Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ходимларига, хусусан шифокорлар Иосиф Джатдоев, Умида Ўктамовна, Насиба Пўлатова,Нафиса Қаҳҳорова, санитарка Барно Умарова, болалар шифокори Наргиза Мавлонова, катта ҳамшира Гульфие Асанова, ҳамшира Саида Айходжаева, шифокор-реаниматолог Матлюба Абдуқодирова, жавобгарлар Раҳима Нуруллаева, Зое Холматовалардан миннатдорман. Сабаби, улар қўли енгил соҳа ходимлари, шу билан бирга, ширинсўз, меҳрибонлиги билан ҳар бир янги туққан аёллар қалбини забт этган. Уларнинг истиқболдаги фаолиятларида омадлар тилаб, юксак чўққиларни эгаллашлари тарафдориман, дея номасига якун ясаган **Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Индира Искандарова.**

Мен Ольга Садуллаева яқинда онам билан пойтахтимиздаги шаҳар 1-сонли клиник шифохонаси куйиш бўлимида куйишнинг I, II ва III даражалари бўйича 35 кун мобайнида ётиб даволандик. Бизнинг дарддан фориғ бўлишимизда бўлимнинг барча ходимлари ҳаракатда бўлишди. Малакали шифокорлару ширинсухан ҳамширалар-нинг ўз касбига сидқидилдан ёндошиши, беморларга бераётган меҳри туфайли беморлар тезда оёққа туриб, яқинлари бағрига қайтишмоқда. Бизга беминнат тиббий хизмат кўрсатган мутахассислар, жумладан, бош шифокор Бахтиёр Исломов, бўлим мудири Боборобия Жуманиязова, ҳамширалар Феруза Холматова, Назира Маматова ва Х. Тошмуҳаммедовага ташаккуримни изҳор этаман. Уларнинг машаққатли ҳамда масъулиятли фаолиятларига зафарлар тилаб, ҳамиша халққа керакли инсон бўлиб юриш бахтига муяссар бўлишсин, дея **Тошкент шаҳридан Ольга Садуллаева** мактуб йўллаган.

"Мен **У. Убайдуллаева Тошкент шаҳри Юнусобод туманида** истиқомат қиламан. Оналик бахтига муяссар бўлганимда, мен ва фарзандимнинг аҳволидан ҳар ҳафта келиб, хабар оладиган тиббиёт ходимларидан миннатдорман. Туманимиздаги 55-сонли оилавий поликлиника ходимлари, умумий амалиёт шифокорларию ҳамширалари, жумладан, ҳамшира Дилором Қодирова ўзининг беминнат хизматлари, маслаҳатлари билан менга ёрдам бермоқда. Шу боис, мазкур тиббиёт муассасаси, Дилором Қодировага ўз ташаккуримни билдириб, уларнинг фаолиятларига омад ёр бўлишини тилайман" деб номасига якун ясаган.

"Саломатлигимни тиклаш мақсадида бир неча йиллардан буён турли тиббиёт муассасаларида даволаниб келаман. Яқинда Тошкент шаҳар 1-сонли клиник шифохонасининг 2-терапия бўлимида ётиб, муолажаларни олдим. У ерда яратилган шароитлар, соҳа ходимларининг маҳорати, муомаласи таҳсинга сазовор, албатта. Бўлим мудири Х. Садиева ҳар куни беморлар билан мулоқотда бўлиб, зарурий кўрсатмаларини беради. Шу билан бирга, бош шифокор Б. Исломов, бош шифокор муовини М. Қулабдуллаеванинг беминнат хизматлари туфайли оилам бағрига эсон-омон қайтдим. Уларнинг машаққатли касбларига муваффаққиятлар тилаб, оқ халатларига асло доғ тушмаслигини тилайман" **деб мактуб йўллаган Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги яшовчи Эркин Шарифхўжаев.**

Шунингдек, Тошкент шаҳри Чилонзор туманидан Л. Бойко, Фарғона вилояти Фарғона шаҳридан Акрамжон махсумов, Тошкент шаҳри Яшнобод туманидан Жамила Инамжонова, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида яшовчи Зулхумор Эшқувватова, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидан Мансур Сейтуллеров, Самарқанд вилояти Иштихон туманидан Анвар Тавобов, Самарқанд шаҳридан О. Иванова мактуб йўллаб, саломатликларини тиклашида сифатли тиббий хизмат кўрсатган соҳа ходимларига ўз ташаккурларини изҳор этишган.

Ҳа, дилдан тилга кўчган ушбу самимий изҳорлар мамлакатимизда тиббиёт тизимида олиб борилаётган исловотлар ўзининг ижобий самарасини бераётганидан даракдир. Соғлиқни сақлаш ходимлари кўрсатаётган тиббий хизматлари билан халқнинг ишончини оқламоқда, десак муболаға бўлмайди.

Мактубларни Жонибек МАЪРУПОВ шарҳлади.

Матбуот анжумани

ГЛОБАЛ МУАММО МУТАХАССИСЛАР ЭЪТИБОРИДА

Жорий йилнинг 24 март куни Ўзбекистон миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан Халқаро силга қарши кураш кунига бағишлаб матбуот анжумани ташкил қилинди.

Унда мамлакатимиздаги халқаро ҳамкорлик ташкилотлари раҳбарлари, соҳанинг етук мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Баҳром Мўминов кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор Наргиза Парпиева ўз маърузасида силга қарши курашишда қўлга киритилган муваффақиятлар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда аҳоли билан ишлаш режасига киритилган амалий фаолиятлар тўғрисида йиғилиш иштирокчиларга атрофлича маълумот берди. Жумладан, халқаро ташкилотлар билан олиб борилаётган ҳамкорликлар натижасида нафақат пойтахтимизда жойлашган муассасалар, балки вилоятлардаги тиббиёт муассасалари ҳам сил касаллигини эрта аниқлашда талаб этиладиган замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланаётганлигини айтиб ўтди.

Лианн КУППЕНС,
ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи:

– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инсон саломатлигига хавф солувчи ҳар бир касалликнинг тарқалиши ва унга қарши амалга оширилаётган кураш чораларининг таҳлилий натижаларини дунё бўйича ўрганиб боради. Сил касаллиги хусусида шуларни айтиш мумкинки, мазкур хасталик бугунги кун тиббиёти учун ҳақиқатан ҳам бедаво эмас. Фақат эрта аниқлашга муваффақ бўлинса. Айни пайтда ҳар 3 нафар беморнинг 1 нафари соғломлаштирилмоқда, бу ҳам бир ижобий кўрсаткич, албатта. Шундай бўлса-да, унга қарши кураш чораларини янада кучайтириш лозим. Сабаби, касалликни ривожлантирувчи омиллар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Хусусан, ОИТСга чалинган беморлар шулар жумласидандир. Мамлакатингизда ушбу хасталикка қарши кураш яхши йўлга қўйилган, эришилаётган натижалар ҳам эътирофли. Дунё ҳамжамиятида олиб борилаётган ишларга келсак, силга қарши ва уни даволашга қаратилган дори воситалари устида самарали фаолиятлар олиб борилмоқда. Яқин орада ўтказилиши режалаштирилаётган БМТнинг навбатдаги йиғилишида ҳам мазкур масалалар атрофлича муҳокамага қўйилади. Ўйлайманки, ундан олинган хулосалар келгусида ишлар самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади.

Герий РОББИНС,
USAIDнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори:

– Бугунги йиғилиш фаолиятимизга таҳлилий назар солиб кўриш имконини беради. Жумладан, ўтган вақт мобайнида эришган натижаларимиз ва олдимизда турган вазифалар бир қадар ойдинлашди. Таъкидлаш керакки, ҳамкорликдаги ишларимиз кўлами кенгайиб, самарали кўрсаткичлар салмоғи ортиб бормоқда. Бу борада ўзбекистонлик мутахассисларнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Улар меҳнати билан мамлакатингизда ушбу касалликка қарши йўлга қўйилган кураш чоралари жаҳон мамлакатлари орасида юксак натижани қўлга киритди. Бу албатта, таҳсинга лойиқ. Агар шу жараёнларга маълум даражада бўлса ҳам ўз ҳиссамиз қўшилаётган бўлса, бундан чексиз мамнун бўламиз. Шу маънода ишонаманки, эзгу мақсадларга қаратилган ҳамкорлигимиз фаолиятлар давомида янада мустаҳкамланади. Негаки, айнан биргаликда амалга ошириладиган ишларимиз ҳали кўп. Мамлакатингизда соғлиқни сақлаш соҳаси ва аҳоли саломатлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Натижа аҳоли саломатлиги ва ҳаёт тарзи тобора яхшиланиб бораётганида акс этмоқда. Бу эса халқингизнинг чинакам ютуғидир.

Ҳа, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида яратилаётган шарт-шароитлар аҳоли саломатлигини таъминлашда кенг имкониятлар яратмоқда. Ҳамкорликдаги ишлар эса фаолиятлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.

Ўтмишга назар

«ТИББИЙ УРЖУЗА» АСАРИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Биз Абу Али ибн Синонинг табобат мавзусига оид бир неча назмий асарлар ёзганини яхши биламиз. Алломанинг ижодида назм шаклида ёзилган саккизта асари мавжуд бўлиб улардан бири соғлиқни сақлаш ҳақидаги "Тиббий уржуза"си ҳисобланади. Мазкур уржузага кўра мулоҳоза юритсак, шу нарса аён бўладики, ибн Сино тиббий билимлар тарқатувчи юксак маърифат соҳиби эканлигининг гувоҳи бўламиз. У соғлиқни сақлашнинг асоси бўлган бадантарбия ҳақида ўз фикрларини қуйидагича баён этган:

Билсанг риёзат турлари неча-неча,
Шарофатли бўлур агар у ўртача.
Ҳозир этур жисмингни у ғизо учун,
Гўдакларни йўллар нашъу намо учун,
Ошса риёзат ҳаддидан хориш бўлур,
Руҳинг тушиб, тинканг қуриб, ҳар иш бўлур.

Ибн Сино бу ерда бадантарбиянинг турлари ниҳоятда кўп эканлиги, у дастлаб енгилроқ машқлардан бошланса, овқатлангандан кейинги ҳазм жараёни ва гўдакларнинг ўсиши учун ҳам яхши бўлиши, агарда жисмоний машқлар ҳаддан ташқари ошириб юборилса, чарчоқ аломатлари кузатилиб турли салбий ўзгаришларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида уқтиради.

Ёки жисмоний машқлар тўғрисидаги кейинги тўртлигида у қуйидагича ёзади:

Кучли риёзат қилмагил ҳамда мушкул
Шуғулланмай ташлаб қўйма, ўртача қил.
Ёмон хилтлар йиғинидан бўлса хатар
Риёзат қил бадан андин кўмак топар.

Бу сўзлар билан аллома бирданига кучли жисмоний машқлар билан шуғулланиш мумкин эмаслигини айтиб, аввал енгил ва ўртача машқлардан бошлаш кераклигини, агарда организмда ёмон хилтлар, яъни суюқликлар йиғилиб қолган бўлса жисмоний тарбия унга ёрдам беришини кўрсатиб ўтган. Ибн Сино ўз асарида соғлиқни сақлаш қоидаларига катта эътибор беради. Масалан: овқат одатда кўп чайнаш билан ҳазм қилишга тайёрланади. Бордию ейиладиган таом гўшт бўлса кўп чайналсаю лекин уни тишингиз керагича майдалай олмаса Ибн Сино ундай этни ташлаш керак, яъни ютиш керак эмас, деб фикр юритади. Модомики, овқатни майдалашга тишлар ожизлик қилдими ундай таом ошқозонга оғирлик қилиб, бора-бора унинг фаолиятини бузади дейди. Ва ўз фикрларини қуйидаги байтида баён этади:

Ҳазм истасанг, шошмай егил ё майдалаб,
Муддатни чўз чайнаб егил кўп марталаб
Оғир бўлса чайнамоқлик гар тиш билан,
Андин оғир ҳазми анинг ютиш билан.

Аллома ичкиликни кўп истеъмол қилганларга унинг зарари ҳақида қуйидагича насиҳат қилади:

Одат қилиб ҳар кун ичиш бир бедаво,
Гар оч қорин эса ичмак бўлмас раво.
Еган бўлсанг енгил, латиф, хуш бир таом,
Ёки аччиқ, ўткир бўлса ичма тамом.
Доим ичиб маст бўлишдан бўлгин йироқ.

Қарияларга эътибор бериш, уларни парвариш қилиш ҳақида ҳам қимматли фикрларни беради. Масалан:

Қари бели кучи нурар, нимжон бўлур
Аҳволида ҳар кун бирор нуқсон бўлур.
Кучли овқат бергил, бироқ кам-кам қилиб
Ҳазми оғирликдан хотирни жам қилиб.

Бунда аллома инсонлар кексайган сайин организми кучсизланиб бориши, турли касалликларга мойиллик кучайиши мумкинлигини айтиб, унинг олдини олиш учун тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилишга даъват этади.

Шунингдек, Абу Али Ибн Сино оғиз бўшлиғи ва тишни тоза тутиш, турли оғиз бўшлиғи ва тиш касалликларининг олдини олишни ҳам ўта усталик билан баён этади:

Ғарғара қил, тишингни юв, мисвок ишлат
Оғиз, танглай тоза бўлур қолмас иллат.

Ибн Сино асабни сақлаш, ҳар нарсага асабийлашмаслик кераклиги ҳақида ва унинг оқибати кўнгилсизликларга олиб келишини уқтиради.

Ғазабланиш кўзғатади ҳароратни
Зарар етиб, олур тандин ҳаловатни
Кўрқиш совуқликни кўзғар, ўйнаб юрак
Ҳаддан ошса баъзан одам бўлгай ҳалок.
Шоду хуррам кечса ҳаёт яйрар бадан.

Алломанинг ёзишича уйқу саломатлик учун зарур омиллардан биридир. Уйқунинг энг фазилатлиси тўлиқ, давомли ва чуқур тунги уйқудир. Кундузги уйқу кишини бўшаштиради, оч қоринга ухлаш эса зарарлидир, деб тушунтиради.

Ушбу асарнинг асл моҳияти шундан иборатки, инсонлар ўз вақтида саломатлиги ҳақида қайғуриши ва унга эътиборли бўлиши зарурлигини моҳирона баён этган, десак муболаға бўлмайди. Шу аснода Абу Али Ибн Синонинг қуйидаги мисралари бунга мисол бўла олади.

Сенга айтсам сўзимизнинг росту чини
Соғлом одам доим сақлар сиҳатини.

Хулоса қилиб айтганда, ибн Сино ушбу асарида турли касалликларни тузатишдан кўра, унинг олдини олиш масаласини илгари суради. Бундан кўриниб турибдики, олимнинг ўша даврдаги тиббий назарияси ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Абдулла ЖОВЛИЕВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси функционал диагностика ва лаборатория бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди.
Нурали ЙЎЛДОШЕВ,
Товоқсой санаторийси бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди.

Анжуман

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Яқинда Ўзбекистон миллий матбуот марказида аҳолига онкологик йўналишда тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги ҳолати, бу борада 2017 йилда амалга оширилган ишлар, 2018 йил режаси, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича олиб борилган тадбирлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Хаджибаев кириш сўзи билан очиб, юртимизда сўнгги йилларда соҳада амалга оширилган ишларнинг бугунги кундаги ҳолати, аҳолига ихтисослашган онкологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича ҳукумат қарорларининг ижроси ҳақида тўхталиб ўтди.

Айтиш муҳимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелда қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори аҳолига ихтисослашган онкологик тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш, аҳолининг барча қатламларини тўлиқ қамраб олувчи тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётганлиги ҳам алоҳида тилга олинди. Жумладан, қарор ижроси доирасида республикамизнинг барча ҳудудларидаги 15 та онкология диспансери Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиалларига айлантирилди ва барча онкология шифо муассасалари реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятларидаги шифо масканлари янгидан бунёд этилди.

Йиғилишда ҳудудлардаги онкологик диспансерларининг Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиалларига айлантирилганлиги, соҳа касалликлари диагностикаси ва даволаш стандартлари, клиник протоколлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланганлиги келажакда барча мазкур муассасаларда даволаш ишлари ушбу ягона стандартлар асосида олиб борилиши таъкидлаб ўтилди.

Жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган онкологик касалликлар бугунги кунда бутун дунёда инсон саломатлигига жиддий таъсир этаётган долзарб тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири бўлмоқда. ЖССТ маълумотига кўра, бундай хасталиклар билан касалланиш кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, Европа Иттифоқида ҳар йили 3,5 миллионга яқин бирламчи саратон ҳолати аниқланади. Бугунги кунга келиб, онкологик касалликлар ичида учраши бўйича биринчи ўринни сут бези саратони, кейинги ўринларда меъда, бачадон бўйни ва ўпка саратони туради. Афсуски, ушбу касалликлар аксарият ҳолларда охирги босқичларида аниқланади. Бундай беморларни даволаш жараёни қийин кечади.

Юқорида қайд этилган қарорда ушбу муаммоларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда онкологик касалликлар профилактикасини кучайтириш, скрининг ва юқори технологик текшириш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, илмий тадқиқотлар ва халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Йиғилишда сўз олган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Мирзағолиб Тиллашайхов қуйидаги фикрларни билдириб ўтди.

– Бугунги кунда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг асосий бинолари режа асосида босқичма-босқич реконструкция қилинмоқда. Онкологик касалликлар диагностикаси ва даволаш стандартлари, клиник протоколлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Эндиликда бутун республика онкология муассасаларида текшириш ва даволаш ишлари ушбу ягона стандартлар асосида олиб борилади. Касалликлар скринингини ўтказиш, эпидемиологиясини ўрганиш, онкологик касалликларни ягона электрон базаси – канцер-регистрни йўлга қўйиш, тиббий статистикани тўғри олиб бориш, бутун онкология тизимини назорат қилиш ва онкология касалликларнинг олдини олиш ишларини яхшилаш мақсадида – саратон профилактикаси маркази очилди. Ушбу касалликларни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида республика миқёсида сут бези, бачадон бўйни саратони бўйича скрининг тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, қизилўнгач, меъда ва колоректал саратон бўйича Фарғона вилоятида тажриба скрининг тадқиқотлари режалаштирилган. Сут бези саратони скрининги ўтказиш учун 13 та мобиль ва 16 та стационар мамографик ускуналар харид қилинмоқда. Шунингдек, бу борада ходимлар ўртасида семинарлар, малака ошириш курслари ўтказилмоқда. Онкология хизматининг вертикал тизими яратилган бўлиб, қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларда умумий амалиёт шифокорлар томонидан онкологик касалликларга мойил беморлар ви-

лоятлардаги филиалларга йўлланма асосида юборилади улар текширилиб, онкологик касаллик тасдиқланса, юқори малакали ихтисослашган ёрдам кўрсатилади ва зарур бўлган ҳолларда ордер асосида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига юборилади ҳамда илмий, амалий, услубий кўмак беради. Ислоҳотлар натижасида 2017 йилнинг сентябрь ойидан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий раҳбар ва етакчи мутахассислари ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларга раҳбар лавозимларга юборилди. Бунинг натижасида ҳудудлардаги филиалларда ҳам юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Давлат дастурида, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган юқори технологик тиббий ёрдамни янада ривожлантириш борасида ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ҳозирги кунгача 17 та етакчи хорижий клиника ва институтлар билан меморандум имзоланди. 2017 йили 40 нафар мутахассис АҚШ, Польша, Ҳиндистон, Туркия, Россия, Белорусия ва бошқа нуфузли чет эл муассасаларида малакаларини ошириб келди. Давлатимиз раҳбарининг қарори асосида онкологик муассасаларининг дори воситалари билан таъминоти учун ажратилган маблағ миқдори кескин оширилди ва йилига 5,5 млн. АҚШ доллари қийматида этиб белгиланди.

Режага асосан Самарқанд, Фарғона ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида 3 та ҳудудлараро иммуногистохимик лаборатория ташкил қилинмоқда. Нур терапия ўтказиш учун 2 дона замонавий чизиқли тезлатгич харид қилинди ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий - амалий тиббиёт маркази, Тошкент шаҳар филиалларига ўрнатилмоқда. Бундан ташқари, республика бўйича 11 та гамма терапевтик ускуналар ўрнатилади. Республикамизнинг онкология муассасалари МРТ + гипертермия, ПЭТ томография, "Da Vinci" робот ускунаси, Кибер тиғ, ангиографик комплекс каби энг замонавий ташхислаш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади. Ушбу воситалар орқали онкологик касалликлар бўйича барча вилоят филиалларида беморларга ёрдам кўрсатиш учун жами 200 койка паллиатив ёрдам бўлимлар ташкил қилинди ва ҳозирда бўлимларни жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, онкология хизматини такомиллаштириш йўлида қилинаётган технологик янгиликлар яқин келажакда инсонлар саломатлигини яхшилашда ўз самарасини беради.

Диёра БОЗОРОВА.

Имконият — **Наманган вилояти**

ХУСУСИЙ ШИФОХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тадбиркор Носирбек Абдуллахонов томонидан Наманган шаҳрида ташкил этилган "ANAMED" диагностика маркази иш бошлаганига бир йил бўлди.

– Уч-тўрт йил олдин умуртқам шикастланиб, Москвада даволанишга тўғри келди, – **дейди Носирбек Абдуллахонов.** – Шунда "Шу муолажаларни нега ўзимизда ўтказиш мумкин эмас? Қачонгача юртдошларимиз узоқларга бориб даволанади? Ахир, ҳозир тиббиёт соҳасида ҳам хусусий секторга кенг имкониятлар яратилмоқда-ку!» деган фикр миямга ўрнашиб қолди. Ёша ерда ўзим даволанаётган шифохонадаги мутахассислар билан маслаҳатлашдим... Хуллас, фикр ғояга, ғоя лойиҳага айланиб, Москвадан Наманганда хусусий клиника очиш мақсади билан қайтдим.

Н. Абдуллахонов 2014 йилда нейрожарроҳлик йўналишида хусусий диагностика маркази ташкил қилиш ҳаракатини бошлади. Унинг ташаббуси вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан қўллаб-қувватланди. Наманган шаҳри марказидан қурилиш учун ер майдони ажратилди. Икки йил давом этган бунёдкорлик ишлари натижасида замонавий архитектура, энг асосийси, бугунги давр тиббиёт муассасаларига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берадиган тўрт қаватли муҳташам бино қад ростлади.

Марказ ўз фаолиятини бошлагандан буён икки мингдан зиёд беморга хизмат кўрсатди. Олис қишлоқлардан, бошқа вилоятлардан келадиган юртдошларимиз кўп вақт йўқотмасликлари, икки-уч кунлаб сарсон бўлиб юрмасликлари учун телефон орқали олдиндан навбат олиб қўйиш тартиби жорий қилинган. Шунингдек, кексалар ва ногиронлар биринчи навбатда қабул қилинади.

– Ҳозир қорин бўшлиғидаги хасталикларда лапароскопик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш борасида изланиш олиб бораяпмиз, – **дейди диагностика маркази бош шифокори Эркин Мирҳидоятов.** – Бунинг учун бизда барча имконият бор.

Танганинг иккинчи томони ҳам бор. Асосан компьютерлаштирилган юқори технологияли тиббиёт аппаратуралари билан ишлай оладиган мутахассис бўлмаса, УЗИ, МРТ каби бошқа барча ускуналар ҳам кутилган натижани бермайди. Хўш, мазкур диагностика марказида бу масалага эътибор қандай?

– Кадрлар малакасини ошириш, илмий-амалий ҳамкорлик бўйича Қозон шаҳрининг минтақаларо клиник диагностика маркази билан меморандум имзоладик, – дейди Н.Абдуллахонов. – Шифокоримиз Ботир Юнусов у ерда малака ошириш курсини ўтаб келди ва ўзлаштирган билим ва маҳоратини ҳозир ўзимизнинг шифокорлар билан ўртоқлашмоқда. Шунингдек, айни кунларда россиялик мутахассислар билан юз, бош чаноқ суяклари имплантацияси амалиётини йўлга қўйиш борасида иш олиб бораяпмиз. Бу мавзуда апрель ойида Россия Федерацияси орқа мия нейрожарроҳлар ассоциацияси президенти Андрей Басков раҳбарлигидаги гуруҳ иштирокида семинар ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Бугун 30 киши, жумладан, 4 нафар олий тоифали шифокор иш билан таъминланган "ANAMED" диагностика марказида лойиҳанинг навбатдаги босқичидаги ишлар қизғин давом эттирилмоқда. Айни пайтда 40 ўринли стационар ва физиотерапия бўлими қурилиши якунига етказилаётир. **Бу ерга Англиянинг BTL компаниясида ишлаб чиқарилган лазер ускуналари, мамлакатимизда ҳозирча бирорта тиббий муассасада йўқ Simens кардио-ультратовуш текшириш аппарати каби янги тиббиёт техника воситаларини келтириш режалаштирилган.**

ЎзА.

Конференция

ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К ДОШКОЛЬНОМУ ОБРАЗОВАНИЮ

В Ташкенте Министерством дошкольного образования Республики Узбекистан и представительством Детского фонда ООН – ЮНИСЕФ в нашей стране организована конференция на тему "Инновационные подходы по расширению доступа к качественному дошкольному образованию в Республике Узбекистан".

Министр дошкольного образования А. Шин, руководитель представительства ЮНИСЕФ в нашей стране С. Грауманн и другие отметили, что в Узбекистане осуществляются широкомасштабные меры по ускоренному развитию системы дошкольного образования.

В нашей стране принят ряд нормативно-правовых актов, нацеленных на развитие этого первого и важного звена системы образования, принимаются комплексные меры по его совершенствованию.

В соответствии с Постановлением Президента нашей страны "О мерах по коренному совершенствованию системы дошкольного образования" от 9 сентября 2017 года в сфере проводится масштабная работа по внедрению современных механизмов управления, совершенствованию учебно-воспитательного процесса, улучшению инфраструктуры и материально-технической базы детских садов.

Согласно этому документу с 1 января 2018 года в Ташкенте, Нукусе, областных центрах в порядке эксперимента создаются новые дошкольные образовательные учреждения на условиях государственно-частного партнерства. При этом предусмотрено выделение инвесторам на безвозмездной основе земельных участков, пустующих помещений с целью создания современных социально-доступных дошкольных образовательных учреждений.

Инвесторы будут нести ответственность за соблюдение в создаваемых дошкольных образовательных учреждениях государственных образовательных требований, санитарно-гигиенических и иных норм, сохранение профиля деятельности учреждения в течение всего срока действия соглашения, а также обеспечение приемлемости и доступности цен на услуги по оказанию дошкольного образования. При этом инвесторам будут предоставлены широкие экономические льготы. Также государственным дошкольным образовательным учреждениям Ташкента разрешено заключать напрямую договора с субъектами предпринимательства о доставке отвечающих соответствующим требованиям продуктов питания и готовых блюд.

Министерством дошкольного образования уделяется особое внимание внедрению эффективных механизмов оказания услуг дошкольного образования на основе государственно-частного партнерства. Они охватывают такие аспекты, как взаимодействие государства и инвесторов, их обязательства, налоговые, таможенные льготы и иные преференции, льготное кредитование, а также квоты по воспитанию детей из семей с особыми нуждами.

– *Стоит отдать должное уделяемому в вашей стране вниманию реформированию системы образования, начиная с нижней ступени, то есть совершенствованию работы детских садов,* – **говорит профессор Пучонского университета Ли Донг Вук (Южная Корея)**. – Южная Корея обладает многолетним опытом в сфере дошкольного образования. Наше широкое сотрудничество в этом направлении даст позитивные результаты.

На конференции отмечалось, что сформированные в ходе нее предложения и рекомендации послужат качественному развитию сферы, дальнейшему улучшению инфраструктуры и материально-технической базы детских садов, расширению охвата детей дошкольным образованием.

На конференции выступил заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан К. Акмалов.

УзА.

Благодарность

ПОКЛОНИТЕСЬ ЛЮДЯМ В БЕЛЫХ ХАЛАТАХ

Вся моя жизнь состоит из чудес, дарованных небесами и так же случилось в этот раз, когда я вновь посетила свой любимый город. Являясь "человеком мира", мне по долгу службы приходиться жить и работать в самых разных уголках нашего земного шара.

Медико-психологическая помощь пришла тогда, когда вдруг в один из дней я обнаружила, что не имею силы передвижения по лестничной площадке дома моей квартиры. И эта помощь незамедлительно пришла ко мне от медиков больницы № 4 и поликлиники № 44 города Ташкент. В Узбекистане при отсутствии медицинской страховки физических лиц, что не отражает опыт Европы, медики всегда окажутся рядом с нуждающимися в медицинской помощи, даже если вы и не являетесь гражданином этой страны. В Узбекистане, я, без родных людей, без какой-либо поддержки, оказалась на руках медиков разных категорий. Появившись в поликлинике № 44 города Ташкент по направлению врача Скорой помощи, я неуверенно искала кабинет необходимого мне доктора. И удивительный голос, полный доброты и уважения ко мне, заботливо поинтересовался, не нужна ли мне какая-либо помощь. Как потом я поняла, это была Главный врач поликлиники Мукаддас Рахматиллаева. Я была приглашена в ее кабинет и сразу же получила консультацию по всем проблемам, возникшим со здоровьем. Также хотелось бы отметить и тот факт, что при входе в поликлинику № 44 Шайхантахурского района на ярком плакате написаны все телефоны доверия и Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

Хотелось бы от всей души поблагодарить врачей и медиков города Ташкент: врача-педиатра детской больницы № 4 Ильхома Тилябоева, заместителя главного врача поликлиники № 44 Акиду Мухамеджанову, заведующую терапии Ильмиру Мирвапиеву, невролога Зухру Мирагзамову, кардиолога Фирузу Мухтарову, врача-отоларинголога Мунису Тахирову, медсестер дневного стационара Фирузу Тиргунову и Дильдору Холмухамедову, массажиста Барно Ахмедову и других медиков Шайхантахурского района за их чуткое и бережное отношение вне зависимости от гражданства пациентов. Также удивительно мудро и профессионально сработали молодые медики из вызываемых Скорых Узбекистана: вели себя очень внимательно, оказывая мне первую и весьма важную психологическую и медицинскую помощь. Эти встречи произвели на меня сильнейшее впечатление: я начала изучать узбекский язык и посещать святыни уникальной страны Узбекистан, что несказанно важно для познания менталитета и особенностей народа, культурных и исторических ценностей. Я готова нести верную информацию в другие города об этой великодушной стране, в которой живу и отдыхаю. И теперь я точно знаю, что бы со мной ни случилось, люди в белых халатах Узбекистана всегда придут на помощь. Спасибо тебе, Узбекистан, за чутких и добрых врачей!

Лидия ТОКАРЕВА,
психолог, доцент, профессор МАИСУ (Международная академия информации, связи, управления в природе и обществе),
г. Санкт-Петербург.

Спорт

В СОРЕВНОВАНИЯХ ПРИНИМАЮТ УЧАСТИЕ 3652 УЧАЩИХСЯ

В Ташкенте проходит городской этап спортивных игр «Умид нихоллари». Соревнования проводятся по 21 видам спорта.

Следует отметить, что в программу спортивных игр включены такие виды спорта, как кураш, белбогли кураш, национальные боевые искусства – узбек жанг санъати и туранское единоборство. В состязаниях участвуют 3652 учащихся.

Состязания по легкой атлетике прошли в Чиланзарской детско-юношеской спортивной школе. Свое мастерство здесь продемонстрировали более 100 мальчиков и девочек из всех общеобразовательных школ нашей столицы.

УзА.

101 хизмати хабар қилади

БИНОЛАРНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК

Бугунги кунда қурилиш, ободонлаштириш ишларини шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида кузатишимиз мумкин.

Ҳашаматли иншоотлар, боғлар барпо этилиб, баъзиларида таъмирлаш ишлари олиб борилаётган бир пайтда «Биринчи рақамли хавфсизлик» ҳисобланувчи ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам ушбу масканларда белгиланган қоидаларга риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш масъулиятини юкламоқда. Дарҳақиқат, қурилиш майдонларини доимий ҳолда ёнувчи чиқиндилардан тозалаш, қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик, ҳудудда очиқ олов ёқилиши, кислород газ баллонлар, бўёқлар, карбид, тез ёнувчан ёғоч материалларининг бирга сақланишига йўл қўймаслик, электр газ пайвандлаш ишлари даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳар қандай мудҳиш ҳолатларнинг олдини олади. Бундан ташқари, ҳудуддаги қурилиш вагончаларининг хавфсизлик талаблари асосида ўрнатилиши ва уланган электр тармоқлари ЭУФК асосида ўтказилишини таъминлаш, қурилиш биносини ёнғин ўчириш автоуловларининг ҳаракатланишига халақит берувчи буюмлар билан тўсиб қўймаслик ҳамда бу борадаги меъёрий қоидаларга риоя қилиш орқали содир этилиши мумкин бўлган ёнғинлардан сақланиш ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Бу билан ҳаётимиз, давлатимиз ва шахсий мулкимизни ёнғин офатидан асраган бўламиз.

Музроб ТУРСУНОВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант.

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми?
Нашр индекси: 128

Здоровье в наших руках

ГОРМОНЫ СЧАСТЬЯ, ЧТО ЭТО И С ЧЕМ ИХ ЕДЯТ

Уже давно не секрет, что хорошее настроение — это не что иное, как череда химических процессов в организме, запущенная биологически активными веществами, в первую очередь эндорфинами. Давайте узнаем, как стимулировать естественную выработку эндорфинов в своем организме.

Вялость, апатия, плохое настроение, чувство одиночества, растерянность и другие психофизические состояния не лучшим образом сказываются на нашей производительности, мотивации, социальных связях и благополучии. Откуда они взялись? Возможно, у вас появились проблемы со здоровьем, а возможно, вам всего лишь нужно немного подтолкнуть свой организм при помощи простых действий и выверенного питания. О них и пойдет речь. Эндорфины естественным путем вырабатываются в нейронах головного мозга в ответ на боль и стресс и помогают облегчить беспокойство и депрессию. Подобно морфину, они действуют как болеутоляющее и успокаивающее средство, уменьшая наше восприятие боли. События, способствующие выработке естественных опиатов организма, неплохо изучены и делятся на три основные группы: питание, привычки и физические упражнения.

Питание

Что же нам съесть, чтобы избавиться от навалившегося эмоционального груза?

Каши, сыр, орехи, шоколад, морепродукты, бананы, овощи и фрукты.

Стоит знать, что некоторые продукты наоборот могут снижать уровень гормона счастья. Так, причиной подавленного настроения могут стать алкогольные напитки, кофе и чай. Если очень часто кушать сладкое, повысится уровень сахара в крови, что может стать причиной хронической усталости. Скучный малокалорийный рацион не поставляет в организм всех полезных элементов, которые необходимы для выработки гормонов счастья и удовольствия. Курение также негативно влияет на настроение и приводит к дефициту витаминов и минералов в организме. Так же некоторые ароматы прямым образом влияют на выработку эндорфинов. Например, по данным нью-йоркского онкологического центра Memorial Sloan-Kettering Cancer Center, пациенты, вдохнувшие перед прохождением МРТ аромат ванили, в 63% случаев реже испытывали чувство беспокойства. В ходе другого исследования обнаружилось, что запах лаванды помогает бороться с депрессией и бессонницей. Применяйте ваниль и лаванду в качестве приправ, добавляйте эфирные масла в ванну, используйте ароматические свечи на их основе, а также заваривайте целебные настойки этих растений.

Привычки

Каждый человек знает, что смех продлевает жизнь. Но в последнее время мы об этом часто забываем. Хотелось бы вам рассказать об одной интересной истории, связанной с целебными свойствами смеха для души и тела. А случилась она с Норманом Казинсом — американским ученым, преподавателем и журналистом. Однажды Норман начал ощущать сильные боли в суставах, а несколько позже врачи поставили ему несовместимый с жизнью диагноз некого дегенеративного заболевания. После этих неутешительных слов пациент решил, что выздоровление зависит лишь от него самого, и выписался из больницы, отказавшись от лекарств. Лечение свелось к приему витаминов и непрекращающимся сеансам смехотерапии. Норман постоянно смотрел увеселительное ТВ, ему читали юмористические рассказы, а он не уставал обливаться слезами смеха. Через месяц болезнь отступила, а впоследствии и вовсе ушла. Собственный опыт Казинса лег в основу популярных книг, а его пример воодушевил множество других "безнадежно" больных. Найдите повод посмеяться. Выработайте привычку находить что-то смешное вокруг. Это самый простой повседневный способ, который стимулирует выработку гормонов счастья, эндорфинов и помогает чувствовать себя хорошо здесь и сейчас.

А что предшествует смеху?

Конечно же, улыбка! Но не та неестественная и натянутая, что встречается на лицах сотрудников с утра пораньше. А та искренняя и невольная улыбка, которая рождается, например, когда мы смотрим на маленьких детей.

Смотрите на фотографии с приятной историей, общайтесь с задорными людьми и не упускайте повода улыбнуться в ответ.

Физические упражнения

Занимайтесь спортом. Это быстрый и полезный метод выработки эндорфинов с эффектом отложенного действия. Любая физическая нагрузка выпускает в кровоток эндорфины, значительно улучшая настроение. Важно упомянуть, что групповые занятия и командные игры имеют преимущество. Например, исследование 2009 года обнаружило, что гребцы-синхронисты получали повышенный прилив гормонов счастья в сравнении с одиночниками. Хотя и самостоятельные пешие прогулки, бег, езда на велосипеде, аэробика тоже дают нужный результат. Так же огромное количество эндорфинов вырабатываются в процессе танцев. Просто включите музыку дома и начните танцевать, вы сами увидите как постепенно от негатива и следа не останется и ваш организм будет полон эндорфинов!

И помните всегда, что наше настроение зависит не от ситуации, а от нашей реакции на эту ситуацию.

МЕЛАТОНИН, ЧТО ДЕЛАТЬ ЧТОБЫ ХОРОШО СПАТЬ

Мелатонин — это гормон, вырабатываемый эпифизом (шишковидным телом, расположенном в мозге). Мелатонин участвует в синхронизации биоритмов (именно поэтому его называют "гормоном сна"), а также комплексно влияет на гормональную и иммунную системы организма.

Смена часовых поясов при авиаперелетах, продолжительный дневной сон, бессонные ночи или даже случайное время отхода ко сну способны нарушать циркадианные ритмы организма, вызывая бессонницу. Периоды сна и бодрствования у человека сменяются с цикличной периодичностью в зависимости от внешних условий, самым значимым из которых является свет. В вечернее время суток организм начинает вырабатывать мелатонин, подготавливаясь таким образом к переходу в режим сна. Поскольку во время сна организм восстанавливает свои силы и нормализует работу различных систем (начиная от нервной и заканчивая мышечной) недостаточная секреция мелатонина влияет как на существенное ухудшение глубины и качества сна, так и на общее самочувствие.

Научные исследования говорят о том, что мелатонин является мощнейшим антиоксидантом и поглотителем свободных радикалов. Во время сна гормон проникает во все ткани и органы организма, успешно нейтрализуя разрушительное последствия окислительных процессов. Поскольку основные функции антиоксидантного действия мелатонина направлены на защиту ДНК, гормон является комплексной защитой от старения. Именно возрастное снижение секреции мелатонина напрямую ухудшает состояние кожи и делает внутренние органы более дряхлыми. Помимо мелатонина, эпифиз вырабатывает и серотонин. Дефицит серотонина приводит к развитию депрессий, замедлению процессов мышления и заметному ухудшению настроения. Важно то, что мелатонин синтезируется напрямую из серотонина. Недостаток мелатонина словно заставляет организм выбирать, что важнее – нормальный цикл сна или хорошее настроение. Зачастую затрагиваются обе функции, приводя к возникновению комплексных проблем.

Ритмы выработки мелатонина

Концентрация мелатонина в крови имеет заметный суточный ритм, связанный со световым днем. Максимальные значения гормона наблюдаются между полуночью и 5 часами утра – на этот период приходится до 70% от всей выработки мелатонина организмом (примерно 20-30 мкг). Яркий белый свет останавливает секрецию мелатонина, а использование электронных устройств со светящимся экраном нарушает ритмы сна, заставляя мозг полагать, что на дворе день. Если вас мучают бессонницы, откажитесь от использования смартфона и телевизора за 2-3 часа до сна.

Лекарство от старости

Научные эксперименты показывают, что недостаток мелатонина у животных ведет к ускорению процессов старения – менопауза проявляется раньше, свободные радикалы начинают сильнее повреждать клетки, снижается чувствительность к инсулину, развиваются ожирение. Для предупреждения раннего старения важно бороться с бессонницей, поддерживать хорошее качество сна и здоровый уровень мелатонина в крови. Именно поэтому в возрасте 45-50 лет врачи рекомендуют многим своим пациентам прием дополнительного мелатонина в виде таблеток.

Мелатонин в таблетках

Знание химической формулы мелатонина позволяет выпускать его в виде таблеток. При этом, поскольку вещество не является лекарством, его относят к категории пищевых добавок. Мелатонин в таблетках доступен к безрецептурной продаже практически во всех странах мира. Покупая добавки с мелатонином, обращайте внимание на дозу активного вещества — начните с 1 мг, переходя к 5 или 10 мг исключительно в случае неэффективности меньших доз. Мелатонин принимают за 10-15 минут до сна, находясь в постели и избегая воздействия яркого света.

Для повышения уровня вырабатываемого мелатонина естественным путем, нужно придерживаться нескольких важных правил:

- *стараться ложиться спать до 12 часов ночи;*
- *если есть необходимость бодрствовать после 12 часов ночи, стоит позаботиться о приглушенном свете;*
- *следить за тем, чтобы времени сна хватало для восстановления сил;*
- *перед сном отключать все источники света, плотно задергивать шторы. При невозможности выключить свет – использовать маску для сна;*
- *при пробуждении ночью не зажигать свет, а воспользоваться ночником.*

Важно помнить, что в организме мелатонин не накапливается, т.е. выспаться на несколько дней вперед и запастись мелатонином нельзя. Важно регулярно придерживаться правильного режима сна и бодрствования и следить за своим питанием.

Мелатонин в продуктах питания

Гормон мелатонин вырабатывается в организме при разнообразном питании, которое обязательно должно содержать углеводы, белки, кальций и витамин В6. В некоторых продуктах питания мелатонин содержится в чистом виде, в других – необходимые для его синтеза компоненты. Говоря о том, в каких продуктах содержится мелатонин в готовом виде, обязательно стоит сказать о кукурузе, бананах, помидорах, рисе, моркови, редьке, инжире, петрушке, овсянке, орехах, ячмене и изюме. Аминокислота триптофан в больших количествах содержится в тыкве, грецких орехах и миндале, семечках кунжута, сыре, нежирной говядине и мясе индейки, в куриных яйцах и молоке. Витамином В6 богаты продукты: бананы, грецкий орех, абрикос, фасоль, семечки подсолнечника, чечевица, красный болгарский перец. Большое количество кальция содержится в бобовых, обезжиренном и цельном молоке, орехах, инжире, капусте, брюкве, сое, овсяных хлопьях и других полезных продуктах.

Кундуз УСМАНОВА,
врач-эндокринолог
Эндокринологического диспансера Ташкентской области.

Благодарность

Спасибо за чуткую заботу!

Весна – время новых перемен и свершений в жизни каждого человека. И каждый из нас ждет от этого сезона обновления не только в природе, но и в своем организме. Так же случилось и со мной. В начале марта я попал на прием в Республиканский специализированный центр урологии. Уже давно, как-то нехорошо побаливали почки, беспокоили и доставляли дискомфорт. Наконец, собрав всю волю в кулак, я отправился на очередное обследование. Встретили меня очень хорошо, на все мои страхи и опасения, лечащий врач Сергей Кудрявцев уверял, что все пройдет "как по маслу" и боятся мне нечего. Но страх все равно оставался, ведь я одинокий инвалид II группы и родных, близких практически не осталось. Но благодаря чуткому вниманию врачей и медсестер данного центра операция прошла успешно. Хотелось бы сказать огромное спасибо директору Республиканского специализированного центра урологии Шухрату Мухтарову, профессору Фархаду Акилову, заведующему отделением Насыру Кодирову, хирургам: Абдурауфу Каюмову и Александру Егорову, врачу-анестезиологу Руслану Халилову и своему лечащему врачу Сергею Кудрявцеву за их терпеливый труд, чуткое и бережное, профессиональное отношение к моему здоровью. Также огромную благодарность выражаю Министерству здравоохранения Республики Узбекистан, Мирабадскому райздраву в лице Нигоры Раззаковой и ее заместителя Саодат Муратовой – эти две хрупкие женщины всячески пытаются оказать мне, одинокому инвалиду, посильную помощь. Благодарю всех сотрудников Центра урологии за их участие и бережное отношение к моей жизни.

Сергей ОГАНЕСЯН,
одинокий инвалид II группы.

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АМАЛИЁТДА

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиали фаолиятидан аҳоли жуда мамнун.

Мазкур шифохонада 3 миллиард 200 миллион сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. Шифо маскани мажмуаси бутунлай янгича, замонавий қиёфа касб этди. Жумладан, шифохонанинг 120 қатновга мўлжалланган поликлиника бўлимида беморлар учун барча шароит яратилган. Замонавий тиббиёт ускуна ва воситалари хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишига хизмат қилмоқда.

Рақамли маммограф, микротом, микроскоп, дуоденофиброскоп, колонофиброскоп, бронхофиброскоп, тиббий мультиспирал компьютер томографи, юқори частотали электрокоагулятор аппаратлари ташхислаш ва даволаш ишларига қўл келмоқда. Бу ерда илмий-тадқиқот олиб бориш имконияти ҳам кенгайди. Шунинг учун муассасага ўтган йили Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган вилояти филиали мақоми берилди.

"Аёллар репродуктив тизими органларида хавфли ўсма касалликлари профилактикаси, эрта аниқлаш ва даволаш" мавзусида халқаро илмий-амалий конференциянинг 2017 йил 27-28 октябрь кунлари Наманганда ўтказилгани ҳам вилоятда онкологик тиббий хизмат кўрсатиш даражаси юксалиб бораётганидан далолат беради. Анжуманда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, шунингдек, Россия, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва Дания мамлакатларининг шифокор-олимлари, онколог-жарроҳлари илмий маърузалари билан қатнашди. Анжуман доирасида бир неча беморларда билан мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилди. Маҳаллий мутахассислар билан ўзаро тажриба алмашилди.

– Президентимизнинг 2017 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишда янги истиқболларни очди, – **дейди филиал бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Ш. Ҳотамов.** – Бундан кутилган мақсад ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизимини янада шакллантириш, профилактика ва касалликларни барвақт аниқлаш чораларини такомиллаштириш, аҳолига, шу жумладан, минтақаларда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг натижадорлиги, сифати ва ундан фойдаланиш даражасини тубдан оширишдан иборатдир. Айни пайтда мазкур қарор асосида соҳани такомиллаштириш борасидаги илмий-амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

2017-2021 йилларда вилоятда онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш дастури асосида хорижий давлатлар, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ва грантлари ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш тадбирлари ҳам ўз самарасини бераётир.



Филиалга 2017 йилда Япония гранти асосида қиймати 100 минг доллар бўлган энг замонавий Fuji маммографи ускунаси ўрнатилди. Мазкур аппарат аёллар сут безидаги саратон касаллигини юқори даражали аниқликда кўрсатиб бериш имкониятига эга. Шунингдек, БМТ гранти асосида қиймати 1 миллион 500 минг доллорлик нурлантирувчи аппаратлар ҳам келтирилди.

Бугунги кунда 140 ўринли мазкур шифо масканида қирқ нафардан зиёд шифокор ва юзга яқин ўрта тиббиёт ходими аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Филиалнинг поликлиника бўлими 120 қатновга эга. Дарвоқе, поликлиника хусусида гап кетганда бу борадаги муаммони ҳам айтиб ўтиш жоиз. У шифохона асосий корпусининг биринчи қаватида жойлашган. Юқори қаватларда эса стационар-клиник бўлимлар фаолият кўрсатади. 120 қатновга мўлжалланган поликлиникада бугунги кунда 200-250 бемор қабул қилинаётгани бу ерда ноқулайликлар туғдирмоқда. Асосийси, мазкур шифо масканига қўйилган тиббий-санитария талабларига кўра, поликлиника ва стационар даволаниш бўлимлари алоҳида биноларда бўлиши керак.

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Навоий шаҳридаги "Вагус" масъулияти чекланган жамияти тиббиёт клиникасида 70 га яқин малакали тиббиёт ходими меҳнат қилади.

Замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган шифо масканида аҳолига кардиология, урология, жарроҳлик, терапия, гинекология йўналишида тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Лаборатория таҳлиллари, УТТ, ЭКГ, рентген текширувлари шу ернинг ўзида сифатли амалга оширилади.

– Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳада соғлом рақобат асосида хусусий тармоқ фаолиятини ривожлантирмоқда, – **дейди тиббиёт муассасаси бош шифокори Анзура Хирочева.** – Ушбу ҳужжат имкониятларидан фойдаланиб, "Асакабанк" Навоий вилояти кўмаги билан жарроҳлик бўлимини ишга туширдик.

Саҳифа ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «/» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 5606 нусха.
Буюртма Г-337.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.
Суратлар муаллифи Акром АБДУЛЛАЕВ, Жасур ЖАЛИЛОВ.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 22.00. 1 3 4 5 6